



Mustaqil gazeta

HURRIYAT


O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
қўраткичи — 233.

1996-йил dekabrдан chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-йил 5-noyabr, №47 (602) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДЕМОКРАТИК ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ўқувчилар аудиториясини шакллантириш ва эҳтиёжини ўрганиш, шундан келиб чиққан ҳолда ижодий режалар ишлаб чиқиш ва нафақат аҳолини воқеалар ва жараёнлардан хабардор қилиш, балки ҳаётнинг барча соҳаларида жамоатчилик фикрини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим...



⇒ 2-бет

МАҲОРАТШУНОС ОЛИМ

«Танқид ва услуб» китобим босилиб чиққан кезлар. Унга кетма-кет 4 та ижобий тақриз эълон қилинди. Минимумларни топшириб, диссертация ички муҳокамасидан ўтгач, гўё учиб юрган онларимда, бир оғайнимнинг номзодлик ҳимоясига бордим. Ҳимоя олдида иккита фан докторига учраганимда улардан бири гап бошлади...



⇒ 7-бет

ЮРАККА ЯҚИН ҚЎШИҚЛАР КЎПМИ?

Халқимиз мусиқа жавониди қанчадан-қанча биз эшитиб тўймайдиган ашулалар бор. Нима учун бундай қўшиқлар эскирмайди? Сабаби уларда миллий руҳ устувор, уларнинг сўзи ҳам, мусиқаси ҳам, ижроси ҳам юракка яқин. Улардан қалб маънавий озуқа олади. Юрағида миллий ифтихор, миллий гурур бор бўлган санъаткор ҳеч қачон энгил-елпи йўлдан юрмайди.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жорий йилнинг 3 ноябрь куни Оксаройда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мэри Сезар Майени қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу йилнинг 5-8 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тақлифига биноан Болгария Республикаси президенти Георги Парванов давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиши кутилмоқда. Ташриф чоғида Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 31 октябрь куни қабул қилинган «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Пойтахтимизда «Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари» мавзусидаги халқаро форум ниҳоясига етди. Унинг аянлари бўйича ҳаётда қўлланган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Шанхайда «Ўзбекистон ва Хитой савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш: сармоявий ҳамкорлик ва савдо муносабатлари» мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbир юртимизнинг Шанхайдаги Бош консулиги ва мазкур шаҳар ишбилармонлари Ахборот клуби томонидан ташкил этилди.

Ҳақиқатга айланган орзулар

Э л соғлиги — юрт бойлиги! Гарчи бу оддий ҳаёт фалсафаси азалдан айтилсада, халқ тафаккури яратган ҳикमत ҳамон ўткир маъно билан садо беради. Чиндан ҳам фуқаролари соғлом, баркамол мамлакатнинг келажаги ёруғ ва мунаввардир. Айниқса, юртимизнинг яқин ўтмишдаги ва айни кундаги тақдирини қиёслаб, фикр юритган киши бугун ҳар жиҳатдан баркамол авлоднинг вояга етказиш, миллатни янада соғломлаштириш устувор давлат сиёсатига айланганлигини ҳис қилади. Зотан, инсон ва унинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, эл соғлигини янада мустаҳкамлаш тиббиётда ўтказилаётган ислохотларнинг бош мақсади эканлиги барчамизга кундек равшан.

Шу ўринда тасаввуримиз оидинлашиши учун бундан 16-17 йил аввалги аҳволни ёдга олиш ўринли бўларди. Уша кезлар пана-пасткам биноларда, биргина тана ҳарорати даражасини ўлчовчи термометр ва афтодохол столдундан бўлак жиҳози бўлмаган «шифонна»ларда ишлардик. Интерфаол усуллар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган тиббий марказларда фаолият кўрсатишни орзу қилганмиз, халос. Энг мураккаб ва ноёб операция амалиётларини ўтказиш-ку бизга мулқоти нотаниш эди. Бугун эса ҳаммаси бошқача.

Юртбошимиз раҳнамолигида соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўзининг ёрқин натижаларини бермоқда. Истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ташкил этилганлиги эъзулининг нишонаси бўлди. Ёки ўша йилда мамлакатимизнинг дастлабки «Соғлом авлод учун» ордени тасвир этилганлиги ҳам ўзининг буюк келажагига интилаётган ёш мустақил давлатнинг миллат саломатлигига эътиборининг ёрқин намоёиши бўлган эди.




Ана шу тadbirlарнинг мантиқий давоми сифатида давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури эълон қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилди.

Ўтган давр мобайнида Фармонда белгиланган меъёрлар ҳаётга татбиқ этилганлиги боис тиббиётимиз янги босқичга кўтарилди. Жумладан, бирламчи тиббий хизмат тизими тубдан яхшиланиб, мамлакатимиз бўйича замонавий диагностика ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 3100 дан ортиқ

КВПлар вужудга келди. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида тўплаган тажрибамиз ҳатто халқаро миқёсдаги эътирофларга сабаб бўлди. Даволашнинг турли йўналишларига йўналтирилган ўнлаб ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди. Соҳада янги — шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш тизими вужудга келди. Фармацевтика саноати тўла-тўқис шаклланди. Соҳада турли хил номдаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи юзлаб маҳаллий корхоналар ўз фаолиятини бошлади. Айниқса, кадрлар тайёрлаш тизими кенг ислоҳ қилинди. Бунда олиш тиббий таълимнинг икки босқичли тизими жорий қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда яна бир салмоқли ўзгаришни айтмай иложимиз йўқ. Гап шундаки, мустақиллик йиллари фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 72,5 ёшга етди. Халқимизнинг фаровон яшаётганлигининг далили бўлган ушбу кўрсаткич нафақат МДҲда, балки жаҳонда ҳам юқори даража сифатида баҳоланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилди.

ОБУНА—2009

ДУНЁ СИЁСАТИ

МОЗИЙ

Ҳаётини зарурият, маънавий эҳтиёж

Қўшни туман газетаси муҳаррири хонасида газета ишини қандай ташкил этиш ҳақида гаплашиб ўтирган эдик, котиба қиз рўхсат сўраб, янги «почта»ни олиб кирди. Ҳамкасбим 5-6 та газетанинг ичидан «Hurriyat»ни топиб, «қани кўрайликчи, ўзимизнинг газетаси нима деб эътибор» дея уни варақлай бошладим.

Мен эса унинг «ўзимизнинг газетаси» деган гапини узоқ вақт эслаб юрдим. Кейинчалик вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар газеталари муҳаррирларига кўнгилроқ қилиб, шу газетаси бўлач-ча меҳрим боис тахририятларнинг «Hurriyat» газетасини олиш-оламасликларини билан қизиқдим. Агар улар вилоятимиз тахририятлари ташаббусини кўллаб-қувватласа, «Hurriyat»га локал иш-хоналари учун биттадан обуна бўлиши ҳам, савийида яна ҳам кенгайди.

Чунки «Hurriyat» — энг яхши журналистик ва бадиий иход намуналари билан нашр этиладиган нашр. У муштарийларга мазмунли, долзарб мақолаларни мириқиб ўқиш имкониятини бериш бораборида, катта минбардан ЭРКИН СЎЗ айтишига ҳам шароит яратди. Аммо, минг афсуслик, ҳозирда негадир айрим ташкилот, корхоналарни кўя турайлик, ҳатто баъзи бир ижодий жамоалар — жойлардаги газетаси тахририятлари, телевидение идоралари ҳам обуна бўлишмаслиги кечирилмас ҳол.

Бундан қарийб тўқсон йил аввал — «Hurriyat»нинг 1918 йил 2 январь соғида шундай ёзилган экан: «Туркистонимизда ҳозирги замонда қийинроқ ишларнинг биринчиси, шубҳа йўқки, газетаси чиқармоқдир. Ишимизда матбаа чиқилари, қоғоз баҳоси ҳаддан ошиб кетган, газетаси ўқумоқчиларимиз бутун оз...!»

Сурия БМТга мурожаат қилди



А машқда Сурия ҳукумати топшириғига биноан Америка мактаби ёпиди. Associated Press хабарига қараганда, Сурия ҳукумати АҚШ аскарлари мамлакат ҳудудига ўтказган махсус амалиётга жавобан шу қарорни қабул қилган.

Вамберининг ўзбек ҳамроҳи

Б ундан бир неча йил муқаддам шоир Хусниддин Шариповнинг 70 йиллиги муносабати билан Наманган шаҳрида мароқли ижодий кеча ва учрашувлар бўлиб ўтган эди. Шундай учрашувларнинг бирида катта ёшдаги кишилардан бири келиб, каминадан машҳур моҳир олими Армин Вамберига ҳамроҳлик қилган юртдошимиз Мулла Исҳоқнинг кейинги тақдирига доир бирор янгилик борми-йўқлигини сўради. Ушанда мен олис аждодларимиз тақдирини билан қизиқувчи кишига бирор жўяли фикр айтишга ожиз эдим. Негаки, каминна иланишлар олиб бораётганим архивларда бу масалага доир бирор ҳужжатнинг бўлиши амри махон эди. Шунинг учун ҳам ўша учрашувида унутиб юборган эдим.

Бошқа замондошларимизни ҳам қизиқтириши мумкин, деган хабар миямда чарх ура бошлади. Агар ана шу хабар каминани алдамаган бўлса, шу борадаги бор гапларни «дастурхон» устига тўқсам.

САЙЁХ ОЛИМНИНГ ЎЛКАМИЗГА КЕЛИШИ

Маълумки, венгер тили олтой тиллари оиласига мансуб. Ҳозирги венгерларнинг олис аждодлари бир замонлар Сибирда, Бошқирд текислигида туркий халқлар билан қўниқушни бўлиб яшаганлар ва фалакнинг гардиши билан Буюк кўчиш даврида тарихий жойларини тарқ этиб, секин-аста Европа сари келиб боришга мажбур бўлганлар.

МАТБУОТ


Хабарлар

ОҚИМИ



Ҳақиқатга айланган орзулар

(Бошланғич 1-бетда.)



Мамлакатимиз раҳбарининг ўтган йил охирида "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишни асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлаётди.

Фармон ижросига биноан, ҳозирда барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, ҳар бир вилоятда болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шахар ва туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Бундан ташқари, олтинчи вилоятда замонавий тиббий диагностика марказлари вужудга келди. Шуниси қувончлики, тизимни янада яхшилаш мақсадини қўлаб ахратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ҳа, ҳаёти хавф остида турган инсон қимдан нажот кутади — албатта оқ халатли шифокордан. Тасанининг бир мучаси бўлса-да, озорланган киши дардига шифони қимдан излайди — шифокордан. Сизу бизнинг соғлиқимизни ўйловчи, асрагувчи ҳам шифокор. Биз истиқлолимиз шарофати, Юртбошимиз эътибори билан ана шундай шарофатга, эъзозу эҳтирмолга сазовор бўлаемиз. Мана, уч йилдирки, "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга биноан ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи ашанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланаётгани ҳам тиббиёт ходимларига бўлган юксак ғамхўрлик намунасидир. Бундан зиёд қадр ва улуғлини ҳеч бир замонда бўлмаган. Зеро, эътиқли ва барқамол авлод ораси билан яшаётган, ўз соғлигини ўйлагувчи, юрт ва фарзандлар тақдирини улғу мақсадларга боғлагувчи озод элгина бунга қодир!

Васила АЛИМОВА,
Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги
Бош бошқарма бошлиғи.

Оммавий ахборот воситалари демократик шаклланиш йўлида

Жорий йилнинг 30 октябрь — 1 ноябрь кунлари Европа парламенти депутати, Европа Иттифоқининг Қозоғистон, Қирғизистон Ўзбекистон, шунингдек Туркменистон ва Мўғулистон билан алоқалари бўйича делегация аъзоси Элизабет Йеггле хоним Тошкентда бўлди. Европарламент вакилининг ташрифидан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар билан танишиш, Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик истиқболларини янада ривожлантиришдан иборат.

Э.Йеггле ташриф доирасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидида ҳам бўлиб, мамлакатда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш жараёнини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан танишди.

Бугунги кунда республикада мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият олиб бормоқда. Сўнгги ўн йил ичида, хусусан, босма ОАВ икки баравар кўпайди ва айни пайтда 900 га яқин газета ва журнал чоп этилмоқда. 4 та ахборот агентлиги, 100 телерадиоканал, шунингдек, қатор Интернет агентликлари ва ахборот хизматлари мавжуд.

Европарламент вакили мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жараёни, миллий медиамухитининг ривожланиш суръатлари, унда нодавлат, айниқса, хусусий босма нашрларнинг тугган ўрни билан қизиқди. Унга бу ҳақда маълумот бериларкан, Ўзбекистонда ОАВ-ни эркинлаштириш жараёни янги босқичга кўтарилди дейиш учун барча асослар борлиги таъкидланди.

Шу ўринда кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ қатор халқаро анжуманлар ўтказилаётгани ҳам таъкидлаш лозим. Бу ҳам юртимиз оммавий ахборот воситалари жохон ахборот майдонида ўз нуфузига эга бўлиб бораётганидан далолатдир. Мазкур конференцияларда қатнашган халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда матбуот ва ахборот эркинлиги, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ахборот соҳасида рақобатни таъминловчи бозор муносабатларини ривожлантириш даражасига мос келади. Шу билан бирга, журналист кадрлар, журналистик касб маҳорат даражаси ўсиб бораётгани ҳам қайд этилади. Ўзбекистонда мустақил йилларида ОАВнинг давлат томонидан бошқарилишига батамом чек қўйилди, шунингдек ахборот соҳасига улуғлини ва босқичма босқич бозор механизмининг жорий қилиниши таъминлаш, мустақил босма нашрлар, нодавлат телевидение ва радио тармоғи, нодавлат ахборот агентликлари ва хиз-


Ўқувчилар аудиториясини шакллантириш ва эҳтиёжини ўраниш, шундан келиб чиққан ҳолда ижодий режалар ишлаб чиқиш ва нафақат аҳолини воқеалар ва жараёнлардан хабардор қилиш, балки ҳаётнинг барча соҳаларида жамоатчилик фикрини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим

матлари тизимини ривожлантириш билан-ми вазифа қилиб қўйилди.

Бу ҳақда сўз бораркан, мехмонга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлирининг қўшма қарорига асосан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ташкил этилгани ва унинг маблағлари бошқариш бўйича Парламент комиссияси тўғрисида ҳақиқат маълумот берилди. Фонднинг мақсади ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини, жумладан оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик янгиланишлари амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига қўмақлашиш, улар фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантириш кафолатларини яратишга қаратилган.

Элизабет Йеггле хоним Фонд билан танишаркан, унинг фаолият доираси энг турли йўналиш ва мулк шаклидаги босма ОАВ

ва ахборот агентликларини қамраб олгани, улар орасида чекка туман газеталаридан тортиб, замонавий андозалар даражасида чоп этилаётган даврий нашрларгача ўрин олганига эътибор қаратди. Амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар фонд олдига турган вазифалар қанчалик масъулиятли ва долзарб эканидан далолат беришини қайд этди.



Фонд директори Жамолддин Ҳақимов суҳбат давомида миллий медиамухитини ривожлантириш, мамлакатда мустақил, иқтисодий барқарор ОАВ тизимини мустаҳкамлаш, медиабозорда соғлом рақобатни шакллантириш мақсадларини амалга ошириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилад экан, бунда биринчи навбатда илғор хорижий нашрлар, миллий ОАВнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Ўқувчилар аудиториясини шакллантириш ва эҳтиёжини ўрганиш, шундан келиб чиққан ҳолда ижодий режалар ишлаб чиқиш ва нафақат аҳолини воқеалар ва жараёнлардан хабардор қилиш, балки ҳаётнинг барча соҳаларида жамоатчилик фикрини шакллантиришга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида сўз борди. Шу муносабат билан улар қай йўналишда қўллаб-қувватланиши лозимлиги ҳақида савол тўғрилиши таъкидланди. Зеро, бугунги босқичда мустақил босма ОАВ жамиятни демократлаштириш ва модернизациялашда фаол қатнашиши ниятда муҳимлиги таъкидланди.

Мавжуда ЙҮЛДОШЕВА

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"ГА ТАЙЁРГАРЛИК

Маълумки, ҳар уч йилда бир мартаба мамлакатимиз ўқувчи ёшларини спортнинг 12 тури бўйича беллашувга қорлайдиган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг навбатдаги республика босқичи келгуси йилнинг май ойида Гулистон шаҳрида бўлиб ўтади.

Бугун кичик олимпиада баҳсларини юксак даражада ўтказиш учун шаҳардаги спорт мажмуалари, ётоқхоналар ва бошқа маданий-маиший иншоотларга тайёргарлик ишлари изчил олиб борилаётган. "Сувчилар" маҳалласидаги Хоржий тиллар мактаб-интернати ҳам худди шундай объектлар сирасига кириб, бу ердаги 150 ўринли ётоқхона ва яна шунча кишига мўлжалланган ошхона тазмирланаётди.

Ҳомийлар томонидан ажратилган 85 миллион сўмдан иборат маблағ ҳисобига "Анварбек" хусусий корхонаси қурувчилари ишни ўз вақтида сифатли тугаллаш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Аъзам ХҲАЖАҚУЛОВ,
"Нуртўғай" мухбири.

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

"Поитахт" бизнес марказининг "Учқудуқ" мажлислар залида Адлия вазирлиги ташаббуси билан Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда "Ўзбекистонда ипотекага оид ҳуқуқий муносабатлар" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси, JICA агентлиги раҳбарияти ва япониялик мутахассислар, Адлия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Савдо-саноат палатасининг масъул ходимлари, тижорат банклари ва давлат қаластри органлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг ипотека муносабатларига оид қонуничиликни такомиллаштириш мақсадида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Шу кун JICA қўмағи доирасида нашр қилинган "Ипотека: шарҳлар ва мақолалар тўплами" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Нуртўғай" мухбири.

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда республикаимизнинг экологик ҳолат мураккаб бўлган чекка ҳудудларига мунтазам равишда саломатлик поездларини жўнатмоқда.

Ушбу ташкилотлар томонидан йил бошидан буён қарий 1,1 миллиард сўмлик мурувват ёрдами етказиб берилди. Навбатдаги ана шундай поезд Хоразм вилоятига жўнатилди. Умумий қиймати 80 миллион сўмлик кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари ва бошқа истеъмол товарларини ташкил тошган саховат юки кам таъминланган ёш оилалар, фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган аёллар, шунингдек, Оролбуйи ҳудудидан мактаб ўқувчиларига ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

Ислом СҮЛТОНОВ,
"Нуртўғай" мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Фарғона шаҳрида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят адлия, солиқ ҳамда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармалари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Бугунги кунда Фарғонада вилоятда 42 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони ортиб, вилоят иқтисодистини ўнги салмоқли улш қўймоқда. Учқўпир туманидаги "Меҳриниё", Ўзбекистон туманидаги "Наврўз", Олтиарик туманидаги "Фромодатекстиль" каби кичик корхоналар шулар жумласидандир.

Семинарда мутахассислар тадбиркорлик фаолиятига оид қонуничилик мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Нуртўғай" мухбири.

Малакали хизмат — асосий мақсад

буни "Асака" ДАТ банкининг Жиззах вилояти ва Афросиёб филиаллари фаолиятида кўриш мумкин

Мамлакат иқтисодиётининг аҳоли, аҳоли фаровонлиги молиявий муассасаларга ва уларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга ҳам бевосита боғлиқ. Бунинг моҳиятини белгилайдиган мақсад битта — яъни банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч, мақсад сари елкама елка туриб ҳаракат қилиш ҳисобланади.

"Асака" ДАТ банк ва унинг филиаллари фаолиятида бу тамойил ўз тажассусини топган, десак муболага бўлмайди. Хусусан, молиявий муассасанинг Жиззах вилояти ва Афросиёб филиалларида ҳам бу борада қизгин иш олиб борилаётган.

"АСАКА" ДАТ банкининг Жиззах филиали вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий соҳалари ривожидида катта ўрин эгаллаб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, миллий валюта-мизининг барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда тижорат банклари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Мижозларга қўлаيلىк яратиш мақсадида 4 та минчи банк мавжуд бўлиб, улар аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга барча турдаги хизматларни кўрсатиб келяпти. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи ҳолатига кўра кредит қўйилмалари ҳажми 10,7 миллиард сўмни ташкил этди, шундан саноатга 7,5 миллиард сўм, қишлоқ ҳўжалигига 735 миллион сўм, савдо воситачилик учун 185 миллион сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 135 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасига 35 миллион сўм, ёш оилалар учун истеъмол товарлари харид қилиш учун 155 миллион сўм, уй-жой қуриш ва сотиб олишга 1,3 миллиард сўм, чорвачиликка 170,4 миллион сўм ва бошқа соҳалар учун 511 миллион сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш борасида Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларини бажариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мазкур соҳани ривожлантириш учун 1,3 миллиард сўм миқдоридида қисқа ва узок муддатли кредитлар йўналтирилди ва 94 та иш ўринлари ташкил этилди. Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига кредитлар ажратиш орқали тармоққа хизмат кўрсатаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Масалан, жорий йилда давлатга пахта ва галла сотиш бюржумасини бажариш мақсадида фермер ҳўжаликларига пахта етиштириш учун 448,3 миллион сўм, галла етиштириш учун эса 86 миллион сўм миқдоридида имтиёзли кредитлар берилганлиги фикримизнинг далилидир.

Паррандачиликни ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 2 та фермер ҳўжалигига жами 50 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди ва натижада вилоятда пархез маҳсулотлари етиштиришни қўлайтиришга салмоқли хисса қўшилди. Шунингдек, Юртбошимизнинг "Шаҳонй ёрдами, деҳқон ҳўжаликларига чорва молларни қўлайитиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жами 85,2 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада ҳудудда истикомат қилаётган 54 та кам таъминланган оилага жами 80 буюқ қора мол сотиб олиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, тадбиркор аёлларга молиявий қўмақлашиш учун 10 та аёлга жами 62,5 миллион сўм кредит маблағлари берилиб, касаначилик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга катта имкониятлар яратилди.

Ҳозир филиал таркибидидаги 4 та минчи банкининг 2 таси Жиззах шаҳридаги деҳқон ва буюқ бозорларда фаолият кўрсатмоқда. 7 та махсус кассада мижозларга қўлаي ва зарур бўлган молиявий хизматларни кўрсатиш билан биргаликда коммунал тўловларни қабул қилиш ҳамда телефон хизматлари учун тўловларни ўтказиш ҳам жорий этилган.

Молиявий муассаса халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига хизмат кўрсатиш билан бирга, ҳар

бир оилага кириб бориб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга ҳам ўз хиссасини қўшишга ҳаракат қилапти. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари ҳам ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Натижада қўллаб ёш оилалар кредит олиб, шахсий уй-жойга эга бўлмоқда ёки зарур маиший жиҳозлар сотиб олмақда. Масалан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 585,5 миллион сўмлик ипотека, 154,7 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Бу билан ҳаётга энди қадам қўётган ёш оилаларни алоҳида уй-жой ва уй жиҳозлари сотиб олишларида имконият яратилди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартириш мақсадида 48 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий этилган. Омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда фуқароларнинг биринчи талаблари билан тўлаб берилмоқда. Хусусан, биз сўз юритаётган даврда фуқаролардан миллий валютада мазкур мақсадда қабул қилинган маблағ 2 миллиард сўмни ташкил қилиб, бу қисматчи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 317,2 миллион сўмга кўпайди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида жами 14610 донна пластик карточка муомалага чиқарилди, савдо ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида 96 донна терминал ўрнатилди. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида пластик карточкалар орқали ўтган маблағлар миқдори 4,9 миллиард сўмни ташкил қилди.

200 дан ортиқ ташкилот ойлик маошларини пластик карточкаларга ўтказиб, молиявий муассаса томонидан керакли харажатлари учун нақд пул билан таъминланиб келинмоқда. Ҳозир филиал томонидан 7 та коммунал тўлов қабул қилиш терминали ўрнатилган бўлиб, шундан 4 таси минчи банкларда, 3 таси коммунал хизматлар кўрсатишчи ташкилотлар қосида ташкил этилган шохобчаларда ўрнатилган. Пластик карточка орқали нақд пулсиз зарур хомашё товарлари, умумий оқватланиш, авиа ва темир йўл чипталари сотиш кассалари, телефон хизматлари учун тўловларини қабул қилиш, автомобилларга ёнлиги қийиш шохобчалари, меҳмонхоналарда пластик карточка орқали тўловлар ўтказиш, коммунал тўловларни қабул қилиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Аҳоли ўртасида электрон карточкаларга қизиқиш қолаверса, банкларга ишонч тобора ўсиб бораётганини боис янги турдаги хизматлар жорий қилинмоқда. Филиал томонидан "Иш ҳақи" лойиҳаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилот ходимларига пластик карточкалар орқали жорий йилнинг ўтган даврида 13,1 миллион сўм миқдоридида "Овердрафт" истеъмол кредитлари берилди.

"АСАКА" ДАТ банкининг Афросиёб филиали 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, қарий тўрт йилдирки, ўз мижозларига кўрсатаётган хизматларнинг сифати ва тежорлиги жиҳатидан Самарқанд вилояти молиявий муассасалари орасида алоҳида мавқега эга.

Банкининг вилоят иқтисодиётидаги иштирокини фаоллаштириш ҳамда мижозларга янада яқинроқ бўлиш мақсадида минчи банклар тармоғи ҳам кенгайтирилмоқда. "Соғда" ва "Шарк" минибанклари самарали фаолият олиб бориб, мижозларга барча турдаги молиявий хизматлар кўрсатиб келаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.



Кейинги пайтда асосий эътибор инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилмоқда. Жорий йилда ушбу мақсадларга жами 3,5 миллиард сўм ва 650 миң АҚШ доллари миқдоридида кредит маблағлари йўналтирилди. Маблағлар асосан халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар қурилиши ҳамда паррандачиликни ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Таъкидлаш жоғизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида жорий йилнинг 9 ойи давомида 19 та мижозга жами 1,4 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилиб, натижада 100 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг мебель маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳам 50 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Ишлаб чиқарилган мебеллар фуқароларга жумладан, ёш оилаларга истеъмол кредитлари сифатида сотилмоқда.

Сервис соҳасига, яъни тиббий, алоқа ва фото хизматлари кўрсатишга 51 миллион сўмдан зиёд миқдоридида кредитлар ажратилган бўлиб, бугунги кунда тадбиркорлар мазкур маблағ ҳисобига зарур ускуналар сотиб олиб, ойнага гул солиш ҳамда фото хизматларини кўрсатмоқда ва турли хил пластмаска буюмларини ишлаб чиқармоқда. Тайёрланган буюмларнинг сифати хорижийликдан асло қолишмайди.

Кичик бизнес ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва касаначиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 19 нафар тадбиркор хотин-қизга 149,8 миллион сўм миқдоридида кредитлар ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 23 та ёш оилага уй-жой сотиб олиш учун 550 миллион сўмдан ортиқ миқдорда ипотека кредитлари, уй жиҳозлари ва маиший техникалар харид қилиш мақсадида 40 миллион сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилди. Бу орқали ўз-ўзидан ёш оилаларнинг турмуш фаровонлиги яхшилланишига қўмақлашилди.

Бундан ташқари, "Асосий мақсад — малакали хизмат" тамойилига асосан, аҳолига ҳар томонлама қўлаي бўлган лицензиялаштирилган, пластик карточкаларни муомалага чиқариш, кредит карточкалари орқали овердрафт усулида молиялаш каби хизмат турлари ҳам йўлга қўйилган. Натижада мижозлар сафи янада кенгайиб, уларнинг сони 211 тага етди. Унинг 120 нафардан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

Олимжон ДАВЛАТОВ (R)

ЖАРАЁН

■ ХУКУҚ

Инсон ҳаёти — олий қадрият

Цивилизация тараққиёти шундан далолат бериб турибдики, инсон манфаатларига хизмат қиладиган, унинг хоҳиш иродасини ўзида ифодалайдиган давлатгина чинакамга қудратли давлатдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-хуқуқ тизими ислохотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосий жиной қўқибдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январьдаги биринчи қўшма мажлисида қилган маърузасида гадаги муҳим вазифа сифатида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, парламентнинг ушбу қўшма йиғилишида Президентимиз томонидан бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсини ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ваколатларини судларга ўтказиш, жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш каби масалаларнинг қўйилишидан қўзғалган асосий мақсад судларнинг том маънода фуқароларнинг ҳимоясига айлантиришидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари эса шубҳасиз бу борадаги дастлабки жиддий қадам бўлиб қолди.

Ушбу фармонлардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 29 июндаги ўнинчи ялпи мажлисида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонунлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-иқроя кодексларининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси жазо сифатида бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тартиқасидаги жазолар жорий этилди ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар зиммасига оқлатилди.

Қонунга мувофиқ, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавабгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 2-қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг 3-қисми) учун тайинлашни мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 51-моддаси янги тахрирда баён этилиб, унга "умрбод озодликдан маҳрум қилиш" тушуни қисри киритилди. Унга қўра, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чо-

раси бўлиб, маҳумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатда ажратиб қўйишдан иборатдир ва бу турдаги жазо аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинлашни мумкин эмас. Шунингдек, тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо тайинланмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг жами 13 та моддасига, яъни 15, 43, 50, 51, 58, 59, 60, 64, 69, 73, 76, 97 ва 155-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш мақсадида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташда муддатдан илгари шартли равишда озод қилишни қўллаш белгиланди.

Бундан ташқари, қонунда авф этишни ва муддатдан илгари шартли озод қилишни умрбод озодликдан маҳрум этилганларга нисбатан қўллаш ёки қўлламаслик ҳусу-сиялари белгиланган. Хусусан, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатдан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 76-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, авф этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йиллини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳум қатъий тўзали йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олманган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йиллини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 5-бўлими янги тахрирда маҳумларнинг озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посылжалар, йўқлов ва бандероллар олиш ҳуқуқлари, уларни меҳнатини ташкил этиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳусу-сиялари аниқ белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда инсон ҳаётининг олий қадрият сифатида эътироф этилаётганлигидан ва инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳуқуқий ҳимояси таъминланаётганидан далолатдир.

Суннатулло ХОЛМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё
вилоят судининг судьяси.

■ САВОЛ-ЖАВОБ

Омбудсман тўғрисида маълумот берсангиз?



"Хурматли тахририят!
Ўғлим ноҳақ жинорий жавобгарликка тортилди. Кўп жойларга шикоят қилдим, лекин ёрдам ололмапман. Баъзилар "Омбудсманга арз қилинг, ёрдам беради" дейишяпти. Илтимос, Омбудсман тўғрисида батафсил маълумот берсангиз".

Абдулла ЖУНАЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд шаҳри.

Ўзбекистонда фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун давлат ҳокимияти идораларига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва нодавлат жамоат ташкилотларига мурожаат қилишга ҳақидирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида мустақамлаб қўйилганидек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Омбудсман институти муҳим ўрни туғлади.

Мамлакатимиз Омбудсман институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибда солишти ўзининг бой тажрибасига эга. 1995 йилнинг 23 февралда биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлисининг вакили (Омбудсман) тасвие этилди.

Ўн уч йилдан бери фаолият юритётган мажор ташкилот фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган мақомага эга. Айни пайтда бу илора инсонларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тикловчи ҳамда ҳимоясини таъминловчи бошқа давлат органларининг қарорла-

рини бекор қилмайди, уларни қайта қўриб чиқмайди. Балки муайян ишлар бўйича му-тахассис хулосасини тайёрлаб, лозим бўлса аниқланган ана шу қонунбузарликларни бартараф этишни сўраб тегишли органларга таъсиф киритади.

Фуқароларнинг шикоят юзасидан текширишлар тўғрисидаги қонун Омбудсман тегишли ташкилотларга борадиган хулосалар инсон ҳуқуқлари бузилган тақдирда ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Олий Мажлисининг "Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Омбудсманнинг хулосаси давлат илораси ва унинг мансабдор шахсига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, қорхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсларига боририлиши мумкин. Аниқланган жиддий қонун бузилшлари тўғрисида Омбудсман ҳар йил парламентга маълум қилади.

Бир сўз билан айтганда, мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиб, адолат ва қонунийликнинг тантанасига эришишда Омбудсман институтининг ўрни беқарор.

Севарахон НАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик институти
таълими.

Вамбери овқатдан олиб бермагунча унга қўл текизмаган, у билан бир қаторда ёнма-ён тенг туришнинг ҳам одобдан деб билмаган. У энг ҳалол, очик кўнгли инсон эди, унинг қараздан йироқ, соф музабати ҳавф-хатарга тўла ёлғиз йўлимда менга даида ва суянчиқ бўлди", — деб эслаганда сайёҳ".

ИККИ ДЎСТНИНГ КЕЙИНГИ ХАЁТИ

"Рашид афанди" Мулла Исҳоқ билан бирга 1863 йил кузининг бошларида Қарши шаҳрини тарк этиб, дастлаб Хиротта, 15 ноябрь куни эса Хиротдан Машҳадга боради. У асл қиёфасига қайтиб, яна Армин Вамбери сифатида ўша йилнинг 25 декабрига Машҳад губернатори вазифасини адо этган инглиз полковниги Долмажнинг меҳмони бўлади. 1864 йил 4 январь куни Техронга етиб келиб, Буюк Британиянинг Эрондаги элчиси Алисон билан учрашди, Эроннинг ёш подшоиси Назриддиншоҳнинг қабулида бўлади. Табиийки, Мулла Исҳоқ "Рашид афанди" — Армин Вамбери бу махфий учрашувларида қатнашмай, сирли ҳамроҳини қарвонсаройларда қутади.

Сайёҳ Техронда икки ой тургач, 1864 йилнинг март ойида ҳамроҳи билан бирга Константинополга келади. У Константинополга етиб келганида, Мулла Исҳоқнинг қўлига пул беради-да, Мак-

сонларидан бирида бундай ёзган эди:

"Ўтган (1864) йил май ойининг охирида бу ер (Пешт шаҳри) га Туркистон йўлида Армин Вамбери ҳамроҳлик қилган Қўнғирот шаҳрилик (24 ёшлар атрофида) ёш ўзбек Мулла Исҳоқ келган эди. У билан уч ой бирга бўлдим ва бундай ажайиб имконият менинг Хива ўзбеклари шеvasини ўрганишимга катта наф келтирди. Мен бу борада ёзган бир неча қўлёзмаларимни унинг талаффузи асосида муқаммаллаштиришга эришдим. Хива хонлигидаги ҳозирги ўзбек тилининг намуналари бўлган бу қўлёзмаларимни оз бўлса-да, туркий тилларни билишга қизиққан кишилар эътиборига ҳавола қиламан. Келтирилган қисман тўлиқ (венгерча) таржима туркий тиллар тузулиши билан маълум даражада таниш бўлганлар учун маълумотнома вазифасини ўташи мумкин. Бундан ташқари, матнлар эълон қилинганидан сўнг қизиққан ўқувчилар учун Хива-ўзбек шеvasи асослари ҳақида қисқача грамматик очерк ҳам илова қилиш ниятидаман. Венгер тилидаги асл нусхаларни ўзбек "либос"ида қўриш шу мамлакат тилшунослари учун айниқса, мароқли бўлади, деб ўйлайман".

Ушбу сатрлар муаллифи Вамберининг дўстларидан бири бўлиб, у Мулла Исҳоқнинг венгер тилини ўрганиши ҳамда академия кутубхонасида шугуллани-

киёслаб қўрган".

Яна шуни айтиш жоизки, Й.Буденц мажор мақоласида Мулла Исҳоқ оғзидан эшитган 50 та мақол ва топишмоқ, 13 та эртак ва ривоят, 2 та "Хива фольклори намунаси"ни ҳам келтирган.

Куйида "Ажабли оҳунинг ҳикояти"дан бир неча бандни хурматли муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз:

*Шоҳдан-шоҳга қушлар учади,
Оғиздан-оғизга хабарлар боради.
Кўп замон дунёда ботирлар*

*чиқибди.
Воқеаларидан яхши сўз қолибди.*

*Кўб яхши энадан ўғиллар тўтган.
Уэлари ҳам яхши йигитлар бўлган.
Хунор ва Мажор деб от қўйдилар.
Бу икки қариндош овга чиқдилар.*

*Икисини юз одам баробар олган.
Яхшисини олиб, ёмонни қўйган.
Ҳар бири у қадр яроғ олдилар.
Яроғни қўрганлар ҳайрон*

*қолдилар.
Буларнинг ўқидан ов қоча билмади.
Кийиклар, суйғунлар қонга бўлинди.
Бир яхши оҳуни тобиб йикдилар.
Буъжи'нин китириб ортидан қуддилар.*

*Буъжинин китириб турганларидан
Бир даштга етдилар
денгизнинг ёнида.*

*Кўб ёмон биёбон эрди у ерлар.
Бўрилар бўлса ҳам йўл тутмас эрдилар.*

*Йўлбарслар, арслонлар анда оҳ уриб,
Кўб хайбат эрдилар у даштга тўйдириб,
Қоплонлар ҳам анда болаб туриб,
Боласин еб бирей қорни оч бўлиб.*

*Шу кунда қуёш ботажақ бўлди.
Қуёшнинг шуъласи булитга урди.
Йигитлар турмаб оҳуни қувлай.
Бирдан оҳуни ҳеч қўра олмай...*

*...Бес Хунор айтди: Бу ерга туриб
Роҳат иткимиз отларни ичириб.
Қардоши айтди: Бу кеча ётали.
Тонг отганда ҳаммамиз қайтали.*

Урғочи оҳу


Орадан бир йил ўтгач, Англиядан қайтиб келган Вамбери Мулла Исҳоқ билан яна учрашиб қолади. Ушбу учрашувдан мутаассир бўлган сайёҳ қўнғиротлик собиқ ҳамроҳи тўғрисида бундай мароқли маълумотни беради:

"Бир йилдан сўнг Англиядан қайтиб келсам, не кўз билан қўрайки, мулламан венгер либосида, салла ўрнида сўнги модага биноан соч қўйган, венгер тилини тез ўрганиб олган. Ҳамма мулламини ёқтириб қолган экан. Бошқа бир сафар уни башанг бир ҳолатда кўрдим: қўлида қўлқоп, қандайдир хоним билан гурунглаштириб турган эди. Буни қўриб, ростиини айтсам, кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қолдим. Икки йил аввалги Хива мадрасасининг муллаваъчаси қаерда-ку,

ши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. Мулла Исҳоқ ҳатто унинг ёрдами билан буюк венгер шоири Шандор Пётэфининг дўсти, 1865-1879 йилларда Венгрия Фанлар академиясининг бош котиби бўлиб хизмат қилган Янош Арон (1817-1882) билан танишган ва унинг "Ажабли (ажойиб) оҳунинг ҳикояти" деган асарини ўзбек тилига таржима қилган. Бу асарнинг венгер китобхонлари учун аҳамиятли томони шундаки, унда қадимги венгер ва хунларнинг Шарқдан келиб чиққанилиги ҳақидаги ривоят тасвирланган эди. Бу мавзу Мулла Исҳоқни ғоят қизиқтирибгина қолмай, унинг венгер юртида, бизнингча, бир умрга қолиб кетишига ҳам сабаб бўлган омиллардан биридир.

"АЖАБЛИ ОХУНИНГ ҲИКОЯТИ"

80-йилларнинг бошларида Тошкентда бўлиб ўтган туркологларнинг III халқро конференциясида Будапешт университети Марказий Осиё кафедраси мудири профессор Георгий Кара ҳам иштирок этган эди. Ўзбекистонга қилган илмий сафаридан катта таассурот билан қайтган, у "Ажабли оҳунинг ҳикояти" дostonидан каттагина бир парчани шарҳияси билан юборган. Унинг шаходат беришича, таржима 184 мисрадан иборат бўлиб, Й.Буденцнинг "Хива ўзбеклари ҳақида"ги мақоласи орасида эълон қилинган. Мажор мақола 1865 йили Пештда нашр этилган "Тилшунослик хабарлари" журналининг 269-281, таржима эса 305-313-сahифаларидан жой олган.



Г.Кара қарийб бир юз эллик йилдан бери ўзида ўзбек тили Қўнғирот лаҳжаси оҳанглариини сақлаб келаётган таржиманинги лисоний ҳусу-сияларини тавсифлаб, бундай ёзган: "Унинг тили ҳозирги замон ўзбек тилидан фарқ қилади, унда архаизм ва қадимий турк узун ундошларининг излари кўринади (бу ҳолатида туркманчага яқинроқ; Буденц ўз грамматик очеркида бу чўзиқларни ёқут ва чуваш шевалари билан

ҳозирги башанг қўриниши мулла қаерда..."

Минг афсуслар бўлсинки, Мулла Исҳоқнинг кейинги ҳаёти ва тақдирини тўғрисида бизнинг ишти-ёримизда ҳозирча бошқа бирор маълумот йўқ. Вамбери ва Буденцнинг юқорида келтирилган сўзлари асосида уни Венгрияда бир умрга қолиб кетган, деб тахмин қилишимиз мумкин, холос.

Наим КАРИМОВ

(Бошланғичи 1-бетда.)

Шу аснода турк тилини ўрганибгина қолмай, шарқона либос кийиб, турклардан сира ҳам ажратиб бўлмайдиган қиёфа касб этади. Айни пайтда ислом динининг йўл-йўриқларини кунт билан ўрганиб, ҳатто "Рашид афанди" деган номини ҳам олади.

"Рашид афанди" 1863 йилнинг бошларида Техронга келади. У Туркиянинг Техрондаги элчиси ёрдамида Ўрта Осиёга дарвеш қиёфасида кириб бориш режасини тузади. Шарқ мамлакатлари аҳолиси табиатини яхши билган элчининг фикрига қўра, унинг Мақкадан келаётган ҳожилар қарвони билан бирга Ўрта Осиёга кириб бориши мақсадга мувофиқ эди. "Рашид афанди"нинг бахтига, Мақкадан йўлга чиққан ҳожилар қарвони ўша йилнинг 27 мартда Техронга етиб келади. Элчи шу куни сафарга отланган Армин Вамбери шарафига катта зиёфат беради. 28 март куни эса Вамбери тонг азонда дарвеш қиёфасида қарвон билан бирга Ўрта Осиёга йўл олади. Орадан роппа-роса икки ой ўтгач, 29 май куни қарвон Хоразм хонлиги ҳудудларига кириб келади. 30 май куни Вамбери кундалигига қуйидаги сўзларни ёзади: "30 май куни биз ўзбек қишлоғи-

Вамберининг ўзбек ҳамроҳи

га кириб келдик. Бу қишлоқ аҳолиси мен қўрган биринчи ўзбеклар эди..."

Янги Шарқ мамлақати ва унинг кишилари Вамбери хайратга солади. Унга Амударёнинг суви ҳам, Хивадаги меъморий обидалар ҳам, боғ-роғлардаги мевалар ҳам, ҳамма-ҳаммаси манзур бўлади. У Ўрта Осиёнинг ўзи қўрган Хоразм, Бухоро, Самарқанд ва Қарши шаҳарларининг жуғрофий маъни, ҳарбий салоҳияти, ер усти ва ер ости бойликлари, иқтисодий, маданий ва маиший ҳаёти тўғрисида муқаммал маълумот тўплайди.

"РАШИД АФАНДИ"НИНГ МУЛЛА ИСҲОҚ БИЛАН ТАНИШУВИ

"Рашид афанди" Хивага келган дастлабки кунларининг бирида ўзи ҳақида яхши таассурот қолдириш истагида Муҳаммадамин мадрасасига бориб, ушбу нуфузли ўқув мактабинини зиёрат қилади. Мадрасада таълим олаётган бошқа муллалар қатори, Мулла Исҳоқ билан ҳам танишади. Мулла Исҳоқ асли қўнғиротлик йигит бўлиб, ўша кезларда Маккага бориш ва ҳаж зиёратини амалга ошириш орзуси билан яшарди. У "Рашид афанди"нинг Ўрта Осиё сафаридан кейин Маккага бориш ҳақидаги ниятидан воқиф бўлиб, ўша кундан бошлаб унга ҳамроҳлик, ҳатто унинг Бухоро, Самарқанд ва Қарши шаҳарлари бўйлаб қилажак сафарига дастёрлик қилишни ўзинга шараф деб билади. "Рашид афанди" ҳам бошқа Ўрта Осиёлик ҳамроҳларига нисбатан бу кўп камтар, камсукум, зукко, очиккўнгли, айни пайтда билимдон ва чаққон муллаваъчани хуш қўриб қолади. Бошқа муллалар "Рашид афанди" ёрдамида ҳаж сафарига боришларига қўзлари етмай, уни тарк этганларида ҳам, Мулла Исҳоқ унинг этагини қўйиб юбормайди, унга бирдан-бир садокатли ҳамроҳ бўлиб қолади.

Вамбери Ўрта Осиёга бағишланган китобларининг бирида у ҳақда бундай самимий сўзларни ёзган: "Билимга ташналиги ва менга яқинлиги ёш муллага бўлган эътиборимни оширди. Бу ёш мулладан, чиндан ҳам, бирор муносиб киши чиқишини сезганимдан кейин уни ташлаб кетмасликка ва иложи бўлса, ўзим билан бирга Европага олиб кетишга қарор қилдим. Мен бу қарорга Хиротта етмасимиздан анча аввал келган эдим. Мен биринчи танишганимдаёқ унинг соф қалб эгаси эканлигини сезганим, шу масалада мен ҳеч қачон адашмаганман".

Тахмин қилиш мумкинки, Вамберининг қишлоқ муддатли сафари давомида Ўрта Осиё шаҳарлари ва аҳолисига доир қимматбахо маълумотларни тўплашда унга бу ҳоқисор ва меҳнатқат инсон катта ёрдам берган. Вамбери асарларидаги бу гаройиб юртдошимиз тўғрисидаги фикрларини тўплаб ўрганган Х.Исмагуллаевнинг ёзишича, "...у ҳар вақт ёши улуғ бўлган Рашид афанди — Вамбери билан бир қосадан овқат ёмаган,



"Дарвеш-филолог" венгер олими А.Вамбери.
Муствабир Байбар

кага борадиган йўлни кўрсатиб, унинг ҳаж сафарига ёлғиз бориши мумкинлигини айтади. Аммо Мулла Исҳоқ алданганини сезган бўлса ҳам, Маккага ёлғиз боришдан чўчибми ёки сафар давомида ҳамроҳи таъсирида ҳаж зиёратини орзусидан воз кечибми, "Рашид афанди"дан ўзини бегона юртда қўриб қолган, у билан Франгистон (Европа) га бориб, у ерни қўриб, сўнгра Константинополга қайтишига имкон беришни илтимос қилади. Шундан кейин улар биргаликда Венгриянинг ўша йиллардаги пойтахти Пештга йўл оладилар. Вамбери она ватанига етиб келгач, Мулла Исҳоқнинг дўстлари ихтиёрига топшириб, ўзи сафар ҳисоботини бериш учун Лондонга жўнайди.

МУЛЛА ИСҲОҚНИНГ ВЕНГРИЯДАГИ ҲАЁТИ

Мулла Исҳоқ Пешт шаҳрида яшар экан, Вамберининг дўст-ёрлари кўмагида қисқа вақт ичида венгер тилини ўрганиб олади. Шундан кейин улар қўнғиротлик муллани Венгрия Фанлар академияси кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимига ишга жойлаштириб қўйдилар. У венгер олимларининг Шарқ қўлёзмаларини тўғри ўқишлари, уларнинг Шарқ, хусусан, ўзбек маданияти ва тарихини ўрганишлари ва шу масалаларга онд илмий асар ёзишларига ўз маслаҳатлари билан ёрдам беради.

Уша пайтда мажор кутубхонада кутубхоначи бўлиб ишлаган, кейинчалик Будапешт университети олтойшунослик ва фин-угоршунослик кафедрасига мудирилик қилган, шу соҳадаги илмий ишлари учун Венгрия Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган Йожер Буденц (1836-1892) "Тилшунослик хабарлари" журналининг 1865 йил

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИНING 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, Европа Иттифоқининг Бомка КАДАП4 дастури билан ҳамкорликда

“ИЖТИМОЙ ТЕЛЕРАДИОРОЛИКЛАР 1-МИЛЛИЙ ФЕСТИВАЛИ”

ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

✓ Фестиваль қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:


- Инсонпарварлик ва меҳр-муруват;
- Умуминсоний қадриятлар, асрий аънолар ва ўзбек халқининг урф-одатлари;
- Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси;
- Аҳолини парранда гриппининг салбий оқибатларидан огоҳ этиш;
- Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;
- Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида аҳолини огоҳлантириш;
- Сен азиз ва муқаддасан аёл.

Танловда телевидение, радио ижодкорлари, журналист ва режиссёрлари, мустақил ижодий гуруҳлар ўз ижодий маҳсулотлари билан иштирок этишлари мумкин.

✓ Голиблар ҳар бир номинация бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

- Энг яхши видеороликлар учун
- 1-ўрин — Рақамли видеокамера
 - 2-ўрин — Монитор компьютери
 - 3-ўрин — Телевизор.
- Энг яхши аудиороликлар учун
- 1-ўрин — Монитор компьютери
 - 2-ўрин — Телевизор
 - 3-ўрин — DVD плеер.

Танловга материаллар DVD дискда AV форматда ролик матни билан шу йилнинг 25 нояб-ригача қабул қилинади.



Манзил: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Х.Олимқон майдонининг ғарбий томони, “Пойтахт” бизнес-мажмуаси, 4-йўлак, 2-қават.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 237-28-32, 237-29-38.

“Ижтимоий телерадиороликлар 1-Миллий фестивали” бу — Сиз кутган имкониятлар манбаи. Имкониятни қўлдан бой берманг!

МУНОСАБТ

Холислик ҳақиқатга хизмат қилади

Газетамизнинг шу йил 22 октябрь сонида эълон қилинган журналист Иброҳим Норматовнинг “Мен қандай қилиб уй сотдим?” деб номланган танқидий мақоласи юзасидан кўплай фикр-мулоҳазалар билдирилган хатлар келмоқда, айрим муштарийларимиз эса тахририятимизга кўнгирак қилиб, ўз муносабатларини билдиришпти. Жамоатчиликнинг газетада чоп этилган мақолага беварқ эмаслигидан, эътиборидан хурсандимиз, албатта.

Маълумки, мақолада уй-жой олди-сотди-сисни расмийлаштиришдаги баъзи бир муаммолар, хусусан, нотариал идора фаолиятига доир айрим эътирозлар қаламга олинган эди. Ўз навбатида ушбу мақолага пойтахтимиздаги биринчи Яқсарой давлат нотариал идораси раҳбари томонидан битилган муносабат хати ҳам келди.

Матбуот — эркин фикрлар минбари. Шу сабабдан ҳам қуйида ана шу муносабатни эълон қилишни лозим деб топдик. Зеро, мақсад кимдир танқид қилиш эмас. Мақсад масалага ойдинлик киритиш, муаммолар бўлса, ечимини топиш, холислик мезонига қаратилган амал қилмоқдир.

Очиғи, мақолани ўқиб лол қолдим. Адлия соҳасида 1982 йилдан бери, жумладан, Республика Адлия вазирлигида 15 йил мобайнида фаолият юритдим. Мақолада тилга олинган биринчи Яқсарой туман давлат нотариал идорасини эса 1996 йилдан бери бошқариб келаман.

Маълумки, бу идора республикамиздаги нуфузли нотариал идоралардан бири ҳисобланиб, унда жами 61 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 26 нафари нотариус сифатида фаолият юритади.

Бу ерда иш ҳажми жуда катта, ҳар кун юзлаб инсонлар қабул қилинади. Кўп мураккаб масалалар юзасидан ҳам бизга мурожаат этидилар. Кунига ўрта ҳисобда 600 дан зиёд мурожаатлар бўлади. Йилига ўрта ҳисобда 200 миңдан ортиқ нотариал ҳаракатлар амалга оширилади. Республикаимизнинг бошқа вилоятларида малака ошириш ва иш жараёнини ўрганиш мақсадида идорамизга доимий равишда нотариуслар келиб туришади.

Нотариат амалиётида энг мураккаб ҳисобланган ҳаракатлардан — мерос ва гаров шартномалари, таъқиқ қўйиш ва таъқиқ ечиш ҳаракатлари ҳам айнан бизнинг идорада амалга оширилади. Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар йилига 10 миңдан, гаров шартномалари эса 6 миңдан ортади.

Фуқароларга сифатли ва тезкор ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида нотариал идорада алоҳида девонхона, ҳужжатгоҳ, таъқиқ, нусхаларни тасдиқлаш ва мерос бўлимлари ташкил этилган.

Бир йилда нотариал идора девонхонасига ўрта ҳисобда 1200 тадан ортиқ ҳужжат келиб тушади. Шунингдек, 5000 дан ортиқ ҳужжатлар жойларга юборилади. Таъқиқ бўлими ходимлари зиммасида эса катта масъулият ва жавобгарлик юклатилган. Чунки Тошкент шаҳрида кўчмас мулк билан боғлиқ шартномаларнинг бари таъқиқ текширилганидан сўнггина амалга оширилади. Кунига 200 тадан ортиқ таъқиқ текширилади. Маълумотлар базасида жами 25000 дан ортиқ таъқиқ ва бирор кимсанинг мол-мулкига таъқиқ қўйиш — арест ҳақида маълумот мавжуд бўлиб, уларнинг 30 фоизини суд-тергов органларидан келган таъқиқлар, 30 фоизини фуқаро ва юридик шахслардан келган аризалар ва хатлар ҳамда 40 фоизга яқини гаров шартномалари бўйича қўйилган таъқиқлар ташкил этади.

Бутун шаҳар нотариуслари кўчмас мулк ҳаракатини амалга оширса-да, таъқиқ тўғрисидаги маълумотни фақат бизнинг идорадангина олишади. Бундан мақсад шунки, низоли ёки гаровда турган уй-жой сотилиб кетмаслиги, шу билан бирга харидорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш сифатини янада оширишдир.

Бўлимда уч нафар ходим фаолият юритади. Мазкур бўлимдаги ишнинг ҳажми ўта кенг бўлгани сабабли идора ходимлари ташаббуси билан республикада ягона ҳисобланган компьютер таъқиқ

базаси яратилган. Бу аҳолига хизмат кўрсатишда вақт тежашга имкон беради. Битта таъқиқ маълумотини бериш учун атиги уч-тўрт дақиқа кифоя қилади.

Тошкент шаҳри катта мегаполис бўлиб, аҳоли ўртасида исми-фамилияси бир хил бўлган номдош кишилар, бир хил ва ўхшаш фирмалар номи кўпайиб учрайди.

Улар орасидан сотилаётган хонадон эгалари — мулкдорларига бизга мурожаат этидилар. Агар сотилаётган кўчмас мулкка суд-тергов идоралари томонидан таъқиқ қўйилган бўлса, таъқиқ ечилиши масаласи фақатгина мазкур суд-ҳуқуқ идоралари томонидан ҳал этилади. Агар мулкдор фақат номдош бўлган тақдирда эса, бу масала бизнинг идора нотариуслари томонидан текширилади, тезда ҳал этилади ва таъқиқ йўқлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Маълум бўлишича, фуқаро Норматов Иброҳим 2008 йилнинг 23 август кунини ўз номидаги хонадонни сотмоқчи бўлиб, Тошкент шаҳридаги хусусий нотариус Дилмурод Ибрагимовга ҳужжатни расмийлаштириш хусусида мурожаат этган. Шу идора ходимлари олди-сотди битимини тайёрлаш жараёнида таъқиқ борлиги тўғрисида ахборот олишади ва сотувчи И.Норматовга масалани ҳал этиш учун биринчи Яқсарой туман давлат нотариал идорасига боришни маслаҳат беришади. Маълумки, бу икки идора ёнма-ён бир кўчада жойлашган (ораси 100-120 метрни ташкил этади, холос). Мақолада ёзилганидек, ҳеч қандай “такси тўхтатишга” ҳожат йўқ.

Аниқланишича, нотариал идоранинг компьютер таъқиқ базасида А.Икромов туман суди судьяси Б.Мадаминов томонидан 2004 йилнинг 22 январидан мулкдор Норматов Иброҳимнинг мулкига таъқиқ қўйиш тўғрисида чиқарилган ажрини девонхонадан топиб, катта нотариус ўринбосари Т.Қаюмов ҳузурига олиб чиқишган. Сабаби шундаки, мазкур масалани ечиш фақат мансабдор шахс нотариус зиммасига юклатилган. Техник ходимлар эса, фақат таъқиқ тўғрисида маълумот берадилар. Таъқиқ бўлими ходимаси У.Саидхўжаевнинг тушунтиришига қараганда масала ўн дақиқа ичида ўз ечимини топган. Норматовнинг аризасига кўра катта нотариус ўринбосари Т.Қаюмов томонидан уй сотилишига рухсат берилган. И.Норматов уй олди-сотди шартномасини ҳал этиш мақсадида хусусий нотариус Д.Ибрагимов ҳузурига қайтиб кетган.

Мақолада тилга олинган воқеа шу йил 23 август — шанба кунини бўлган. Маълумки, бу кунни идора ходимларининг бир қисми, шу жумладан идора бошлиғи учун ҳам дам олиш кунини ҳисобланади. Низоли масалаларни ҳал этиш вазифаси фақат муовин Т.Қаюмов заммасида бўлган.

Мақолада кўрсатилган “бошлик” қабулидаги ваъдаларга келсак, оддий идораларда ҳам навбат билан кириш лозимлигидан ташқари Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида қайд этилганидек, нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги белгиланган.

Бирон-бир нотариал ҳаракатларни амалга оширишда бегона шахсларнинг иштироки таъқиқланган. Муаллиф эса мақолада ёзишича ўзи “бошлик” ҳузурига ҳақиқатдан ҳам навбатсиз кирган. Бу ҳаракат яна қайта такрорланган.

Т.Қаюмовнинг тушунтириш ҳақида маълум бўлишича, И.Норматов қандай масала юзасидан мурожаат этиётгани ҳақида сўзламай туриб, унинг шаънига нолайиқ сўзларни айтган ҳолда, “юқори ташкилотга шикоят билан мурожаат қилаётган”ни билдирган. У иккинчи мартаба кирганида, Т.Қаюмов унинг ёшини ҳисобга олган ҳолда қабулидаги кишилардан чиқиб туришларини илтимос қилган ва И.Норматовнинг ишини ҳал қилишга киришган. Таъқиқ бошқа номдаги кишига тегишли эканлигини аниқлагач, И.Норматовга тегишли ишни ижобий ҳал қилиб берган.

Маълум бўлишича, шу куннинг ўзида уй олди-сотди шартномаси хусусий нотариус Д.Ибрагимов томонидан амалга оширилган ва кейинчалик кўчмас мулк кадастрдан (БТИ) давлат рўйхатидан ўтган. Ҳеч кимга моддий ва маънавий зарар келтирилмаган. Мақолада қўлтириб ёзилган “ўзидан кетишлар” эса, бизнингча, оддий “тўқима” гаплар холос.

Кишини таажжубга соладиган жиҳат шундаки, қани бу ерда журналистнинг холислиғи, ҳақиқатни тўғри ифода этиши?

Мақолада ёзилганидек, нотариат амалиётида республика бўйича кўчмас мулк олди-сотди шартномасини амалга оширишдан олдин барча коммунал хизматлар бўйича мулкдорнинг қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома йиғилади. Ҳа, бунга кўп вақт сарфланади. Бироқ, бу сотиб олувчининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди. Бунга асос — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 1 ноябрь 551-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 30 декабрдаги қўрсатмаси мавжуд.

Юқоридagi мақола идора ходимларининг умумий мажлисида ўқиб эшиттирилди ва муҳокама қилинди. Тегишли ходимларнинг тушунтириш хати ва изоҳи олинди. Мажлис иштирокчиларининг кўпчилиги И.Норматов томонидан ёзилган ушбу мақолага ўз эътирозини билдиришди.

Қолаверса, газетада мақола чоп этилгандан сўнг менга кўплай кўнгирак бўлди. Сабаби мақолада фамилия кўрсатилмаган ҳолда, менинг муовиним Т.Қаюмов “бошлик” сифатида келтирилган ва унга жуда кўп “ижобий” ҳислатлар берилган. Ваҳоланки, у томонидан ҳам ҳеч қандай салбий ҳаракатлар амалга оширилмаган. Савол туғилади, наҳотки, “ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган зиёли одам” мақола ёзаётганида идора бошлиғи ким эканлиги билан қизиқмаган бўлса?

Шерзод ЕСЕНБОВЕВ, биринчи Яқсарой давлат нотариал идорасининг катта нотариуси, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.

Сув — нажот манбаи

Бир пиёла тоза ва мусоффо сув. Саратон қунарида узоқ-узоқлардан ташна бўлиб, танглайлари қуруқлаб келаётган йўловчи бир қулғум тоза сув нима эканини яхши билади. Ичадиган сувига ҳар кунни чўнтагидан пул чиқариб тўлаётганлар яхши биладилар. Биз-чи? Биз нега тоҳидла шу олдий ҳақиқатни англашга танбаллик қиламиз. Биз бунини яхши англашимиз учун ташналик азобини тортишимиз ёки ичадиган сувимизга пул тўлашимиз керакми?

Бир сафар сув таъминотида мутасадди бўлган ташкилот раҳбари билан ёз чиласида суҳбатлашдик. Хонасида совутич ишлаб турарди. Шу боис ҳаловат топиб, сув, унинг қадри, тоҳида юз бераётган қурғоқчилик ва

унинг оқибатлари хусусида шу қалар мароқли гурунлашдикки, ҳали-ҳали эслайман. Мен бу бошлиқнинг ўз соҳасини яхши билишни, дунё миқёсида сув билан боғлиқ кўплай далил, мисолларни билишига тан бердим. Мазмуни суҳбатимиздан кейин ташкилот ҳовлисида чиқдик. У ерда жумраги очик турган қувурдан қарийб “бир ариқ” сув оқиб этарди. Тағин сиз сув экин-тикинга, даракларга бораётган бўлса керак деманг, йўқ, асло ундай эмас. Сув шу яқиндаги ўпқонга сингип гойиб бўлаётган эди. Бошлиқнинг сув захираси мўл экан, шекилли, у бу манзарога парво ҳам қилмади...

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ
“Сурхон тили”,
23.10.2008.


Тўйларга етказсин, аммо...

Тўй — миллий қадриятларимизнинг узвий бўлаги. Унинг тимсолида халқимизнинг эзгу тилаклари мужассам топгани ҳам бежиз эмас. Шукр, осмонимиз тинч, эл-юртимиз осийшпа. Топганимиз тўйларга буюрапти. Бугун ўйил уйлантирган ота эртлага қизини узатиш ташвишида. Лекин шу хайрли ташвишлар асосида айрим тўйларда дўлаб-бозликка, сохта обрў орғитиш ва манманликка берилиб кетишганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди...

Тўйларимизни санъаткорсиз тасаввур этиш қийин, албатта. Бироқ мусиқани (овозни эмас) авж пардада кўйган санъаткор (балки отарчи дейиш тўғрироқ бўлар)дан асрасин. Негаки зўрма-зўраки шовқин-сурондан қулоғингиз том битиши ҳеч гап эмас.

— Бир тўйда овоз кучайтиригичларга яқинроқ жойда ўтириб қолдик, — дейди гиждуволик Шухратжон Ғаниев. — Шунанганки шовқин, ўзаро гурунлашнинг ҳеч имкони йўқ. Мусиқани бироз пасайтиришни сўрасак, созандалардан садо чиқмади. Тўйда дам олгани боргандик, чарчаб, мия қарақ ҳолда қайтдик.

Ковач кучайтиргич хонанданинг айби — овози йўқлигини ёпиши ҳеч кимга сир эмас. Сохта санъаткорларнинг урчиб кетгани ачинарли ҳол. Бу соҳада бир-икки йилда тартиб ўрнатиш мушкулдир, эҳтимол. Лекин тўй эгаси, маҳалла вақили, даврани олиб борувчи бу масалага беварқ қарамаслиги керак. Чунки тўйхоналар агрофида яшовчиларни мусиқа шовқини асаб “касалитига” чалитириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бу ҳам етмага-



нилек тўйларда эрта тондан бошлаб “тарақа-туруқ” бошланади. Бу пайт маҳаллада чақалоқ ва ёш болалар ширин уйқула бўлади. Эҳтиш, бемор кишилар бўлиши мумкин. Уларнинг тинчлиги бўзиб, “суфи азон” айтмасдан шовқин-суронни авжига чиқариш инсофданим?

Истам ИБРОҲИМОВ
“Бухоронома”
11.10.2008 йил.

Виждон жиғилдонга айланса

Халқимизда “Одамнинг кимлигини билимоқчи бўлсанг, унга мансаб бериб боқ” деган аjoyиб нақб бор. Биздан эса кимдир “мансаб оғирлик қилибди, кўтаролмабди” деб таъриб қолади. Ҳа, унинг залворини курсини эгаллаш “михландим” дея ўйлаб ҳаволастанлар, “орзулари осмон” бўлиб виждонлари жиғилдонга айланганлар кўтар олмайдилар. Зиёдулла Қурбонов ҳам ана шундай мансабни ўз манфаати йўлида сунистьемол қилувчилардан эканлигини жуда тез билдириб қўйди. У Узун туман Таблатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган эди. Уни нима “жин” урди-ю, ушбу масъулиятли вазифадан фойдаланиб қолмас келди.

Хуллас, табиати муҳофаза қилувчи Зиёдулла Қурбонов қачонлардир кимлар кесиб кетган даракларнинг жаримасини “Флора” фермер хўжалиги раҳбарларидан талаб қила бошлади. Раҳбарларин ушбу талабини тўғри

тушуниш мумкин эди, агар ҳақиқий айбдорни тошанида ёки жарима пуллари давлатга тўланганда...

Шундай қилиб, Зиёдулла Қурбонов одамларга ўрнатилган қўнғир қўнғир йўллардан юриб, айбдорлар билан 11 миллион сўмлик даракт кесилган деб қўйилган айбловни беткор қилиб, 900 миң сўмга келишди. Натига 400 миң сўм жарима давлат ҳисобига, 500 миң сўм “хун пули” 3.Қурбонов чўнтағига “йўл” олди. Келишув “имзолашча”, “айбдор” тараф вақили бўлиши фермер хўжалиги иш юритувчиси Ф.Абдурайимов 700 АҚШ долларини 3.Қурбоновга келтириб берди. Айбдорларнинг “бир қошиқ қондан кечиб” энди “доля”ни чўнтағига урмоқчи бўлган раҳбар буша ултурулмай қолди. Чунки бу пайтда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари унинг доллар санагин кўллари-га кишин уриб бўлшган эди.

Абдумурод РАҲМОНОВ
“Сариусиё”
10.10.2008.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмағида тайёрланди.
Лойиха: «Матбуот — давр кўзгуси».

Ўз савҳатини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан бирга режалаштиринг!

Бутун дунё бўйлаб 45 дан ортиқ йўналиш!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси 26 октябрдан киши жадвалга ўтди

Қиши жадвалдаги янги қатнов: ҳар жума кунлари Тошкент-Женева (Милан орқали).
Маълумот учун телефонлар:


Ҳаво алоқалари бош агентлиги (жадвал, самолётнинг учиб кетиши ва келиши бўйича маълумотлар) (998-71) 140-02-00
www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қўлайлик!

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ТАФСИЛОТ



Кредит ёрдами билан

Навоий вилоятида ўз иқтисодиётини тиклаб, харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётида банкларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, бу кейинги пайтда халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Биз куйида юртимиздаги етакчи молиявий муассасалардан бири – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий бўлими фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.



Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий бўлимида бўлганимизда "Шамс — Навоий" ишлаб чиқариш фирмаси бош мутахассиси Шерзод Саидовни учратдик. — Фирмамиз банкнинг миқзои ҳисобланади, — дейди у. — Мақсуд молиявий муассаса тўғрисида молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олди, десам муболага бўлмади. 1992 йилда жамоамиз 4 киши билан иш бошлаган бўлса, ҳозир бу ерда 634 киши меҳнат қилмоқда. Корхонамиз кўп тармоқли бўлиб, ҳориджан келтирилган замона-

"Камолот", "Фаровон", "Арафа", "Тўкинлик", "Хотиржамлик", "Мақсад", "Ишонч", "Кўпайсин", "Омадли", "Келажак" омонатларига фуқаролар пул қўйиб катта даромад олмақда. Хусусан, аҳолининг миллий ва чет эл валютасидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича омонатлар қолдиги жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 3,9 миллиард сўмга ўсиб, айни пайтда бу кўрсаткич 26,7 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

Молиявий муассасанинг барча бўлими ва мини банкларида дунёнинг энг риоилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча қўйиштириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 3,9 миллиард сўм миқдориди ипотека, 230 миллион сўм миқдориди истеъмол, 316 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Натжидада ўнлаб ёш оилалар уйи бўлди, ўзлари га зарур бўлган маиший техника воситаларини харид қилишди. Албатта, бундай қўлайлик ёш оилаларга ҳаётда ўз ўрнини топишда қўл келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 январдаги 03-1-6-сонли йиғилиши қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда иссиқхоналар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда банк бўлими ҳам фаол иштирок этмоқда. Банк бўлими олти фермер ҳўжалигига 770 миллион сўм, молиявий муассасанинг Қизилтепа филиали орқали учта фермерга 85 миллион сўм миқдориди шу мақсадда кредит ажратди. Айни пайтда кредит олиб, аҳолига бодиринг, помидор ва бошқа ёз нэматларини етказиб бераётган жамоалар кўп.

Биз Кармана туманидаги "Муҳаббат боғи" хусусий корхонасида бўлиб, унинг фаолияти билан танишдик. Бу ерда катта ҳажмида амалга оширилаётган ишлар бизни тўғриси хайратта солди. Бир томондаги иссиқхоналарда सबзот экинлари баравж ўсаётган бўлса, бир томонда ишчилар янги иссиқхона қуриш билан шуғулланмоқда. Қўрувчиларни ҳам ҳисобга олганда, бир неча ўнлаб одамлар меҳнат қилмоқда.

— Иختиригимиздаги 2,5 гектар майдонда иссиқхона барпо этиб, маҳсулот еттиштирилди, — дейди корхона раҳбари Ориф Каримов. — Ердан камиди

Банкмиз томонидан ажратилаётган кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётти. Улар асосан ёш оилаларни уй-жойлар билан таъминлаш, иссиқхоналар қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда савдо соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.



вий ускуналар ёрдамида музқаймоқлар, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришти. Исроил технологияси асосида балиқ етиштирилмоқда, шунингдек, турли хил қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда ва савдо-воситачилик ишлари билан шуғулланмоқда. Ўтган йили товар айланамиз 7400 миллион сўмни ташкил қилди. Соф фойда эса 546,7 миллион сўмга тўғри келди. Маҳсулотларимизнинг бир қисми хорижга экспорт ҳам қилинмоқда. Албатта, бундай ютуқларга эришишда банкдан олинаётган кредитнинг ёрдами катта бўлмоқда. Охириги икки йилдаги банкнинг кўмагига ээтибор беринг: бултўр 200 миллион, бу йил эса 600 миллион сўм кредит олдик. Ҳозиргача фирмамизга 1500 минг доллар миқдориди хориж сармояси ҳам киритилган.

вожланган давлатларидаги банклар билан алоқа ўрнатилган бўлиб, барча операциялар бир неча сонияларда амалга оширилади. Масалан, "Вестерн Юнион", "Контакт", "Лидер" каби пул ўтказиш тизимларидан фуқаролар мамнуният билан фойдаланмоқда.

Шу билан бирга, банкнинг пластик карточкалари ҳам фуқароларга ҳар томонлама қўлайлик яратмоқда. Савдо дўконлари ва сервис хизмати кўрсатувчи ускуналар ёрдамида музқаймоқлар, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришти. Исроил технологияси асосида балиқ етиштирилмоқда, шунингдек, турли хил қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда ва савдо-воситачилик ишлари билан шуғулланмоқда. Ўтган йили товар айланамиз 7400 миллион сўмни ташкил қилди. Соф фойда эса 546,7 миллион сўмга тўғри келди. Маҳсулотларимизнинг бир қисми хорижга экспорт ҳам қилинмоқда. Албатта, бундай ютуқларга эришишда банкдан олинаётган кредитнинг ёрдами катта бўлмоқда. Охириги икки йилдаги банкнинг кўмагига ээтибор беринг: бултўр 200 миллион, бу йил эса 600 миллион сўм кредит олдик. Ҳозиргача фирмамизга 1500 минг доллар миқдориди хориж сармояси ҳам киритилган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Навоий бўлими фаолиятида бундай мисоллар кўп. Кредит олиб иқтисодиётини тиклаб, сифатли ва харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган жамоалар анчагина. Натжидада банк вилоят халқ ҳўжалигини ривожлантиришга ва истеъмол бозорини тўлдиршига муносиб улш қўшмоқда.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги айрим корхоналарнинг кўрсаткичлари ҳам кишини қувонтиради, — дейди банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Баҳриддин Бобоқулов. — Масалан, Зарафшон шаҳрида истикомат қилувчи Улугбек Файзиёв оҳақ ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Оҳақни корхоналарга олиб бориши учун машина зарур. У ана шу вазифани ҳам ўзи бажаришга қарор қилди. Тадбиркор атрофидаги йирик корхоналарнинг ҳам транспортга бўлган эҳтиёжларини ўрганди. Жаҳон тараққиёт банки кредит линияси орқали бир миллион АҚШ доллари миқдориди кредит олиб, Хитойдан юк автомашиналарни харид қилиб, йирик корхоналарга хизмат кўрсатишни режалаштирди. Банкмиз томонидан ажратилаётган кредитларнинг ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётти. Улар асосан ёш оилаларни уй-жойлар билан таъминлаш, иссиқхоналар қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда савдо соҳасини ривожлантиришга йўналтириляпти.

Биз молиявий муассасанинг жорий йилдаги фаолияти билан батафсил танишдик. Белгиланган режалар орғиси билан бажариляпти. Энг муҳими, кўрсатилаётган хизматлар жаҳон андозалари талабларига жавоб бераётганлиги боис миқжолар сони ортиб бормоқда. Айни пайтда 130 минг 563 та миқжозга хизмат кўрсатилляпти.

Банкда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда қафолатларини таъминлашга доир қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. "Янгилик",



"Янгилик", "Камолот", "Фаровон", "Арафа", "Тўкинлик", "Хотиржамлик", "Мақсад", "Ишонч", "Кўпайсин", "Омадли", "Келажак" омонатларига фуқаролар пул қўйиб катта даромад олмақда. Хусусан, аҳолининг миллий ва чет эл валютасидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича омонатлар қолдиги жорий йилнинг ўтган 9 ойида 3,9 миллиард сўмга ўсиб, айни пайтда 26,7 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

ичи шохобчаларда 641 та терминал ўрнатилган бўлиб, улар фуқароларга маҳсулотларни харид қилишда қўл келмоқда. Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш, улардан чакана савдода, коммунал хизматларга ҳисоб-китоб қилишда ва бошқа сервис хизмати кўрсатувчи шохобчаларда фойдаланиш орқали жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида терминаллар орқали 15 миллиард 438 миллион сўмлик савдо айланмаси амалга оширилди.

Аҳолига янада қўлайликлар яратиш мақсадида ташкил этилаётган мини банклар ва махсус кассалар сони ҳам кўпайиб бораётти. Хусусан, Навоий шаҳридаги бозор ҳудудида жойлашган "Гулишорин" супермаркетиди ва Зарафшон шаҳридаги бозорда мини банклар, шунингдек, патта пуллари, коммунал тўловлар ва бошқа манбалардан қўшимча нақд пуллари жалб этиш мақсадида Учқудуқ шаҳрида битта, Қизилтепа туман марказий деҳқон бозориди битта махсус кассалар ташкил этилди. Ҳозир банк бўлимида жами олти та мини банк ва тўртта махсус касса фаолият кўрсатмоқда.

Банк бўлимида халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига сифатли молиявий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Айниқса, юқориди таъкидланганидек, ёш

Хосий КАРИМОВ, «Hurriyat» мухбири.

Ўтган ҳафта Москвада Озарбойжон президенти Илҳом Алиев ва Арманистон раҳбари Серк Саркисян Россия президенти Дмитрий Медведев иштирокида Тоғли Қорабоғ масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича музокаралар ўтказди. Матбуот хабарларига қараганда, муаммони ҳал этиш йўлида дастлабки қадамлар ташланган. Икки давлат раҳбари ҳам ушбу баҳсли ҳудуд масаласини музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори эканликларини билдиришган ва ҳужжат имзолашган. Албатта, бундай учрашувлар илғари ҳам бўлиб ўтган, лекин муаммо ижобий ҳал бўлмаган эди.

Молдова: бирлашиш йўлидаги ҳаракатлар

Тоғли Қорабоғ можароси собиқ шўролар тузуми емирида бошлаган даврда келиб чиққан эди. Сунги кунларини яшаётганини сезган собиқ тузум раҳбарлари халқлар ўртасига низо солиш, шу йўл билан ўзларини, зўрлик асосига қурилган салтанати умрини узайтиришга уринишди. Лекин тарих гилдирагини орта қайтариб бўлмади. Афсуски ўша даврда бошланган можаролар ҳамон МДХ ҳудудидаги огрикли муаммо бўлиб келаяпти. Энг ачинарлиси, собиқ СССР тарқалиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилгандан сўнг бир неча мамлакатда ушбу давлатлар раҳбарлари олиб борган нотўғри сиёсат туфайли янги огрикли нуқталар пайдо бўлди.



Россия жанубида, яъни Чеченистондаги қарама-қаршилик юз минглаб одамларнинг ҳалок бўлишига, бутун шаҳарларнинг, қишлоқларнинг вайронга айланishiга олиб келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Грузиядаги можаро эса мамлакатнинг бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Гарчи бугун Шимолий Осетия ва Абхазиянинг мустақиллигини фақат битта-иккита давлат тан олган, улар дунё ҳамжамиятига аъзо бўлмаган эса-да, икки субъектнинг Грузия тарқибига қайтиб кириши масаласи яқин йилларда ечимини топиши мумкин.

МДХнинг яна бир огрикли нуқтаси собиқ Молдавия ҳудудида икки давлатнинг ташкил топганидир. Бугун биз мақоламизда шу ҳудуддаги вазият ҳақида кенгрок тўхталмоқчимиз. Молдова бугун БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Лекин мамлакатнинг шарқиди Приднестровья номили янги давлат ҳам пайдо бўлган. Уни ҳеч ким мустақил давлат сифатида тан олмаган бўлса-да, 17 йилдирки расмий Кишиневадан ажралган ҳолда яшаляпти. Ҳатто ўзининг пойтахти ва президенти ҳам эга. Лекин бу ердаги ҳолат Тоғли Қорабоғ ва Озарбойжон, Грузия ва Шимолий Осе-

нестровья, ЕХХТ, Россия, Украина, шунингдек, АҚШ ва ЕИ кузатувчилари) форматиди ўтган бу учрашувлар ҳам 2006 йилга келиб боши берк кўчага кирди ва уни давом эттиришнинг имкони бўлмади. Орадан икки йил ўтган Россия ташаббуси билан музокаралар тикланди ва шу йилнинг 11 апрель кунини В. Воронин ва И. Смирнов учради.

Молдова раҳбари Приднестровьяга тенг ҳуқуққа эга республика статусини бериш ташаббусини олға сураляпти. Унинг таъкидлашича, ушбу республика Молдова тарқибиди бўлса-да, ўз символлиси ҳамда парламентда конун ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан бирга, мустақил Молдова давлатчилиги статусиди бирор ўзгартиш бўладиган бўлса, Приднестровья унинг тарқибидан чиқиб ҳуқуқини сақлаб қолади. Ворониннинг қайд этишича, РФнинг субъектлари ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас. Бундан ташқари, у НАТОга киришга даъвогар ҳам эмас. Бундай масалалар мамлакатда референдум йўли билан ҳал этилади. Молдовада эса НАТО-

га киришга қарши одамлар кўпчилигини ташкил этади. Яқинда Россия ташқи ишлар вазирини Сергей Лавров Приднестровья масаласи ҳал бўлиш арасида эканлиги маълум қилган эди. У журналистлар билан суҳбатда масалани ечиш учун 2003 йилги вариант қайтишга қарор қилинганини маълум этди. Бу вариант "Қозак режиси" деб аталиб, унга кўра минтақада Россия армияси 30 йил муддатга сақланиб қолиши лозим. Бу режани ўша пайтда Воронин рад этганди. Энди эса унга бошқа йўл қолмаган ўхшайди. Чунки Грузия билан бўлган можаролардан сўнг Россия томонидан Жанубий Осетия ва Абхазия мустақиллигини тан олишини Молдова раҳбарини сергаклантирган кўринади.

Биз мақоламини саҳифага қўётганимизда жаҳон матбуотида шу мавзуга оид яна бир хабар тарқалди. Унда айтилишича, Молдова президенти ва Кишинев ҳамда бутун Молдова метрополитин Владимирини чегарачилар Приднестровья ҳудудида ўтказишмаган. Президент ўзи туғилиб ўсган кишлоқ — Қоржова метрополитини олиб келаятган эди. Бу ерда Воронин ўз маблағи ҳисобидан черков қураляпти. Чегарачилар бу масала бўлидан келишилмагани учун уни ўтказишга олмаслигини айташган.

Албатта, бу тушунмовчилик туфайли келиб чиққан можаро бўлиши мумкин. Лекин Молдова ҳудудининг яқинлигини тиклаш учун ҳаракат бошлангани аним. Гап у қачон бутунлай ҳал этилишида қолган. Агар муаммо ўз ниҳосига етса, МДХ ҳудудидаги яна битта огрикли нуқтага давво топиладиган бўларди.

Молдова раҳбари Приднестровьяга тенг ҳуқуққа эга республика статусини бериш ташаббусини олға сураляпти. Унинг таъкидлашича, ушбу республика Молдова тарқибиди бўлса-да, ўз символлиси ҳамда парламентда конун ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан бирга, мустақил Молдова давлатчилиги статусиди бирор ўзгартиш бўладиган бўлса, Приднестровья унинг тарқибидан чиқиб ҳуқуқини сақлаб қолади. Ворониннинг қайд этишича, РФнинг субъектлари ҳам бундай ҳуқуққа эга эмас. Бундан ташқари, у НАТОга киришга даъвогар ҳам эмас. Бундай масалалар мамлакатда референдум йўли билан ҳал этилади. Молдовада эса НАТО-

КЕМА КИМГА ҚАРАШИЛДИ? Жанубий Африка Республикаси киргирокларида "Диомед" балқичи кема си чўкиб кетди. Бу ҳақда душанба кунини «Морской бюллетень — Совфрахт» нашри хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, кеманинг эгаси Россия фуқароси бўлиши мумкин. «Интерфакс» маълумотларига қараганда, кема экипажи зарар қурмаган, лекин улар қайси давлат фуқаролари эканлиги номаълум.

Сал аввалроқ 1986 йили қурилган «Диомед» Калининграддаги "Голден фиш" ёпиқ акциядорлик компаниясига қарашли эканлиги тўғрисидаги хабарлар тарқалганди. Аммо компания бош муҳандиси бу гапни рад этди. Унинг таъкидлашича, кема 2001 йили хорижий фирмалардан бирига сотиб юборилган. Шундан сўнг кема мазам-биклик, кейинрок эса англоамерика баликчиларга пулланган. Кеманинг сўнгги эгаси Кипр компанияси бўлган.

ни зўрлик билан ағдарилишни билдирди. Сабаби ҳуқуқат исенчлар билан келишишни истамаляпти. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, ҚДР ҳуқуқати армияси исенчлар билан бўлган тўқнашувда мағлубиятга учраган. Ҳозирда исенчларга қарши 17 минг нафарлик БМТ кучлари турирди. Лекин бу кучлар фаол ҳаракат қилишмаяпти. Исенчлар Гома шаҳрига ҳужум уюштирилмоқда. Шаҳарда аҳвол оғир, бир миллион нафарга яқин қочқинлар тўпланган.

Тутси миллати вакили бўлган Нкунда ҳуқуқатдан хуту қабилиси аъзолари бўлган Руанда армиясининг собиқ аскарларини қуролсизлантиришни талаб қилмоқда. Унинг таъкидлашича, хуту қабилиси аъзолари Руандада геноцид уюштирилган ва бир миллион нафарга яқин тутсиларни қириб ташлашган.

КЕМА КИМГА ҚАРАШИЛДИ? Украин Олий Радаси комиссияси аъзолари Жанубий Осетияга келишди. Улар бу ерда расмий Киев Грузияга қарши бўлиши билан ёрдам берганига гувоҳ бўлишди. Бу ҳақда кеча комиссия раиси Валерий Коновалок журналистлар билан бўлган суҳбатда айтиб ўтди.

"Биз бу ерда грузин аскарлари ташлаб кетган Украина қуролларини қўриқиб, қарбий ҳаракатларда украин мутахассислари иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотларни йиғдик, — дейди у. — Комиссия ишини тўғатиши учун энди бизга Грузия томонининг маълумоти керак. Аммо расмий Тбилиси Украина қарбий техникасининг можародаги иштироки ҳақидаги маълумотларини беришни истамаляпти".

Комиссия раисининг таъкидлашича, Украина ўзининг манфаатларига зарар келтирган ҳолда Грузияга эвнит-ракета қуролини етказиб берган.

ЕВРО ҚАДРСИЗЛАНМОҚДА Бу ҳақда душанба кунини Еврокомиссиянинг ўтган олти ойи яқинлари ҳақидаги ҳулосасига таяниб, жаҳон ахборот агентликлари хабар тарқатди. Еврокомиссия ҳулосасида айтилишича, ўтган йилнинг учинчи ва тўртинчи қорғида евроҳудудга кирувчи 15 та давлатда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш қамаяган ва бу валютанинг қадрсизланишига сабаб бўлган. Мутахассисларнинг қайд этишича, 2009 йилда евроҳудудда жуда оз —

0,1 фойз иқтисодий ўсиш кузатилади. Лекин кўча қитъанинг йирик давлатлари Германия, Франция ва Италияда иқтисодий ўсиш бўлмади.

ЎҚИТУВЧИЛАР НОРОЗИ Руминияда 70 минг нафар ўқитувчилар бир кунлик иш ташлаш эълон қилишди. Бунга ўқитувчиларнинг маошини 50 фойзага ошириш тўғрисидаги талабининг ҳуқуқат томонидан рад этилиши сабаб бўлди.

Associated Press хабариди айтилишича, ҳуқуқат октябр ойдиди ўқитувчилар маошини 9 фойзага оширишни ваъда қилган, аммо парламент 50 фойз оширишга овоз берган. Мамлакат бош вазирини Кэлин Попеску-Тэричану бу ҳақда гапириб, ҳозир бунча маблағ йўқлигини, ўқитувчилар талаби 2009 йилнинг 1 апрелидан қондрилиши мумкинлигини билдирди.

Руминия ўқитувчилар касабга уюшмаси эса 18 ноябр кунини иккинчи иш ташлаш уюштиришни режалаштирилмоқда.

ЯНГИ БАНК Итау ва Unibanco банклари бирлашиши туфайли Бразилияда Жанубий ярим шардаги энг йирик банк ташкил топди. ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, бу банклар мамлакатда бозорда иккинчи ва тўрттинчи ўринда турувчи молия муассасаси ҳисобланарди. Бундан бунён банк Itau Unibanco Holding деб номланади.

14,5 миллион миқжозга эга бўлган ушбу молия муассаси 575 миллиард реал (283 миллиард доллар) актигга эга. Itau Unibanco Holding дунёдаги йиғирматини энг йирик банклар қаторига қўшилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СУД БОШЛАНДИ



Германияда 3 ноябр кунини миллатчилик гуруҳларини тузишда айбланган турт фуқаро — Ронни Вебер, Ларс Хайн, Йенс Бемерт ва Томас Раков устидан суд жараёни бошланди. АФР хабариди айтилишича, улар "Швейцария Саксонияскинхедлар" гуруҳини тузишда айбланмоқда. Вахалонки, бундай гуруҳлар тузиш 2001 йилда Саксония ҳуқуқати томонидан тақиқланган эди.

Суд жараёни декабрь ойида тугаши тахмин қилиналяпти.

НКУДАНИНГ ТАЛАБИ

Кеча Конго Демократик Республикасидаги исенчлар бошлиғи Лоран Нкунда тўғридан-тўғри у билан музокаралар олиб борилмаса, ҳуқуқат

Барқарор фаолиятнинг халқаро эътирофи

ИПОТЕКА BANK

Жорий йилнинг сентябрь ойида "MOODY'S" халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиздаги Ипотека банкнинг миллий валютадаги узоқ мuddатли депозитлари В1 халқаро рейтинг даражаси берилди. Бу кейинги йилларда юртимиздаги молиявий муассасалар тубдан ислох этилиб борилаётганидан, хизмат кўрсатиш савиясининг жаҳон талаблари даражасида амалга оширилаётганидан далолат беради.

Ипотека банкда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, аҳолига ва ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар хусусида ақциядорлик тижорат Ипотека банк Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Равшан БАХРОМОВ билан суҳбатлашдик.

— Равшан Шабаратович, "Ёшлар йили" Давлат дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами хусусида маълумот берсангиз.

— Молиявий муассасамиз "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича бир қатор эътироф этасак арзийдиган ишларни амалга ошириб келмоқда. Дастурга кўра ёш оилаларни уй-жой куриш ёки сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш, уй-рўзгор буюмларини харид қилиш учун истеъмоладан кредитлар ажратишни ривожлантириш, виллоятларда ёш оилалар учун кўп қаватли уй-жойлар куришни молиялаштириш каби вазифалар билан биргаликда, ижтимоий аҳамиятга молик, хусусан кам таъминланган ёш оилаларга қорамол сотиб олиш учун, ўз бизнесини ривожлантириш мақсадида имтиёзли микрокредитлар бериш сингари тадбирлар акс эттирилган. Ва бу режими ортиги билан бажариб келмоқдамиз.

Банкнинг 39 та филиали, 158 минг банки, 510 та жамғарма кассаларида аҳоли ва юридик шахсларга (260 минг миқоз) хизмат кўрсатиш борасида келиш шартлар яратилган. Жами активлар йил бошига нисбатан 52,6 фоизга кўпайди. Банк умумий капитали 93,4 миллиард сўмга, устав капиталли эса 52,2 миллиард сўмга етди. Депозитлар 361,3 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Аҳолига янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида 15 кундан 1 йилгача бўлган қисқа мuddатларга ҳамда 12 - 18 ойлик жозибдор янги омонат турлари жорий этилиб, миқозларга тақлиф қилинмоқда. Натижанда жисмоний шахсларнинг банкимизда сақлаётган маблағлари 74,1 миллиард сўмга етди.

Ипотека банк билан "MOODY'S" халқаро рейтинг агентлиги ўртасида жорий йилнинг май ойида шартнома тўзилган эди. Сентябрь ойида мазкур халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ипотека банкнинг миллий валютадаги узоқ мuddатли депозитлари В1, чет эл валютасидаги депозитлари В3 халқаро рейтинг даражаси берилди ва рейтингнинг истиқболи "Барқарор" деб белгиланди. Бу жамоамизда амалга оширилаётган ишларга берилган халқаро эътироф десам, янглишмайман.

— Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва жорий йил ин-


страя почта", "Контакт" ва янги "Мигом", "Близко" сингари пул ўтказиш тизимлари хисобига 509 тага етди. Миқозларнинг тақдим этган инвестицион лойиҳалари, уларнинг самарадорлиги, мамлакатимиз иқтисодиётига фойдалилиги хисобга олинган ҳолда молиялаштирилмоқда, хусусан ҳозиргача миқозларнинг 111243 миллион сўмлик инвестицион лойиҳаларини молиялаштирилгани фикримизнинг далилидир.

Виллоятлар иқтисодининг ривожланишига ҳам ўз хиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз. Масалан, "Силвер Силк Компани" қўшма корхонасининг ипак толасини ишлаб чиқариш лойиҳаси молиялаштирилди. Бугунги кунда лойиҳа асосида сотиб олинган ускуналар Жиззах виллоятда ўрнатилмоқда. Эндликда маҳаллий пилладан ишлаб чиқариладиган ипак тодаларининг экспортга чиқариш ҳажмлари янада ошиши кутилмоқда.

— Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан хотин-қиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги келгуси режалар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Фаолиятимизда иқтисодиётнинг реал сектори бўлган ва республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналиши деб ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хизмат кўрсатиш салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳозиргача 50 мингга яқин тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатилиб, уларга фақатгина шу йилнинг ўзига 79,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Молиявий муассасамиз томонидан маҳаллий хомашё негизда маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни қўллаш ва хорижий валютада молиялаштириш учун танлаш ишлари давом эттирилмоқда. Шу билан бирга банк билан тадбиркорларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш нафақат молиявий, балки консалтинг хизмати кўрсатиш, шунингдек уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Шунинг билан бирга, кичик бизнес эгаларига қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида банк томонидан хорижий банклар кредит линиялари жалб қилиш ва ўзлаштириш бўйича ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Масалан, Ислоом Тараққийёт банки (ИТБ)



лаш технологик линиясини келтириш лойиҳалари ҳам маълумланди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун Европа Тикланиш ва тараққийёт банки, Хипо Ферейнс банки, Ланденсбанк Берлин, Комерцбанклар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Утган йили шу мақсадда 7,7 миллиард сўмлик кредитлар берилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 9,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Миқозлар билан ишлаш, уларнинг молиявий аҳолини таҳлил қилиб бориш янги йўлга қўйилган. Тошкент шаҳар Яқкасарой туманидаги филиалимиздан 2 йил мuddатда (олти ойлик имтиёз билан) 15 миллион миқдорда кредит олган Санобар Турсунова ҳам фидойи миқозларимиздан бири. С.Турсунова олган кредитига 12 донна тикув машинаси сотиб олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Мазкур кичик тадбиркорлик субъектида ҳозир ҳеч бир хориж фабрикаси маҳсулотидан фарқ қилмайдиган харидоригар ва сифатли ўғил болаларнинг киши кийимлари тикилапти. Ишчиларнинг ойлик маоши ўртача 150-180 минг сўмни ташкил қилаётганини хисобга олсак, ишлар кўнгилдагидек. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига валютанинг четга чиқиб кетишининг ҳам олди олинмоқда.

— Айни пайтда Ипотека банк кредити хисобидан мамлакатимизда ёш оилалар учун қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча хабардор...

— Албатта, ушбу йўналиш фаолиятимиздаги асосий вазифалардан бири

миқдорда кредит ресурслари ажратилди. Мазкур уйлар куриб битказилганидан сўнг 1541 та ёш оила уй билан таъминланади. Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам жами 789 квартиралари 24 та уйни куриш жадал суръатлар билан олиб боришмоқда.

Шу мақсадда қарийб 5300 та иш ўринлари яратилди, курилиш материалларини ишлаб чиқариш рағбатлантирилмоқда. Бундан ташқари, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Бухорода ҳам кўп қаватли уйлар куришмоқда. Шундай қилиб йил охиригача жами 1176 хонадондан иборат

Банк билан тадбиркорларнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш нафақат молиявий, балки консалтинг хизмат кўрсатиш, шунингдек уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш орқали ҳам амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Миллий университетида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Равшан Райимжонов яқинда имтиёзли кредит хисобига уй-жой сотиб олди. Бундан ёш оила жуда хурсанд. Энг муҳими, "Ёшлар йили" да улар ўз уйларига эга бўлишди.

вий ва нақд пул билан бўладиган амалиётларнинг ўрнини босувчи пластик карточкалар сони 488,9 минг донага етди. Бу йил бошига нисбатан 50 мингга кўпдир. Жорий йилнинг охиригача савдо шохобчаларида ўрнатилган 2116 та терминалга қўшимча равишда яна 400 та терминал келтирилиб, хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштириш режалаштирилмоқда.

— Тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларида тижорат банкларининг иштироки бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Миқозларимиздан "Олмалик ТМК" ОАЖ, "Ўзметкомбинат" АИЧБларнинг алоҳида модернизация дастурлари ишлаб чиқилган, "Радикс" МЧЖ ва "Река мед фарм" қўшма корхоналари "2011 йилгача Фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури"га киритилган. Модернизация дастурларига киритилган лойиҳалар банкка тақдим этилганда белгиланган тартибда ўрганилиб, тегишли хулосалар берилади, лойиҳани шакллантиришда амалий ёрдам кўрсатилади ва лозим ҳолларда банк томонидан ўз маблағи ёки жалб қилинган линиялар хисобига молиялаштирилади.

Фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизациялаш дастурига киритилган лойиҳалар бўйича "Река мед фарм" қўшма корхонаси ўз лойиҳасини хорижий инвестиция хисобига, "Радикс" ХКнинг битта лойиҳаси банк кредити хисобига амалга оширилиши белгиланган. Молиявий муассасамиз томонидан модернизация дастурига киритилган миқозларнинг лойиҳалари

36 та уй курилиб фойдаланишга топширилади. 2009 йилнинг биринчи чорагида эса Тошкент шаҳрида яна 365 хонадонли 11 та уйни ёш оилаларга туҳфа қилиш кўзда тутилган.

— Аҳолига ва ёш оилаларга берилаётган ипотека ва истеъмоладан кредитлари ва уларни олиш тартиби, шартлари хусусида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

— 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий равишдан ўтган ёшларга имтиёзли равишда ҳовли-жой ёки квартира сотиб олиш учун ҳамда курилиш материаллари, мебель ва уй жиҳозлари харид қилиш, тантана ва тўй маросимлари ўтказиш, ўқиш ва даволашни, аудио, видео, маиший техника воситаларини сотиб олиш учун ипотека ва истеъмоладан кредитлари ажратилмоқда. Ипотека кредити учун кредит таъминотида сотиб олинаётган ҳовли-жой ёки квартира гаров сифатида қабул қилинади. Кредитнинг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача бўлган оила таркиби тўғрисидаги маълумотнома, охириги 12 ойда асосий ва қўшимча иш жойидан олинган даромадлар ва ушланмалар миқдори ҳақида маълумотнома ёки қарз олувчининг яшаш жойи бўйича солиқ органлари томонидан тасдиқланган даромадлари ҳақидаги декларация талаб қилинади.

Тўғри, бу аҳолига берилаётган кредитларга нисбатан анча имтиёзли. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, оилавий шартоти туфайли бунга имконияти етмайдиган кишилар борлиги сир эмас. Аммо улар ҳам имтиёздан маҳрум эмас. Давлатимизнинг беқиёс ғамхўрлиги туфайли ёш оилалар Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан туман ҳокимияти қошида таш-

кредитлари миқдори 55884 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида жами 19796,8 миллион сўм миқдорда ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, унинг 78,9 фоизи - 15633,2 миллион сўми (1486 оилага) ёш оилаларга берилди. Шунингдек, аҳоли турмуш шартини янада яхшилаш, маиший техника ва уй жиҳозларига бўлган талабни қондириш мақсадида жорий йил бошидан жами 2745,3 миллион сўм миқдорда истеъмоладан кредитлари ажратилган бўлиб, унинг 834,9 миллион сўми ёш оилаларга ажратилган истеъмоладан кредитларини ташкил этади.

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ва банкнинг ўз маблағлари хисобидан 848 та кам таъминланган оилаларга 1133,9 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди.

— Аҳоли омонатларини жалб қилиш ва пластик карточкалар тизимини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўсиш йил бошига нисбатан 7 фоизни ташкил қилди. Жами омонатлар таркибида мuddатли омонатлар қолдиғи 32840 миллион сўм бўлди. Айни вақтда пластик карточкалар орқали маблағлар айланмаси ва қолдиғининг ўсганлигини таъкидлаш лозим. Пластик карточкалар амалиётини кенгайтириш мақсадида иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилинишига ва савдо шохобчаларида ўрнатилган терминаллар тизимини фаолиятининг доимий мониторингига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда банк муомалага қабул қилинган аҳоли учун қўлай, замона-

бўйича ўз тақлифлари билан лойиҳа ҳужжатларини шакллантиришга қўмак берилмоқда. Жумладан "Олмалик ТМК" ОАЖнинг 6 та лойиҳаси бўйича ДТИАлар яратилган, хулосалари берилди. Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққийёт жамғармаси маблағлари хисобидан "Олмалик ТМК" ОАЖнинг "Хандиза ва Учқулоч" полиметал руда конларини ҳамкорликда қайта ишлаш" лойиҳасини молиялаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда.


— Ипотека банк тизимида ишловчи ёш мутахассисларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай тадбирлар белгиланган?

— Ёш кадрлар соғлигини мустаҳкамлаш учун банкнинг Соғломлаштириш мажмуаси фаолияти қайта қўриб чиқилди, маънавий ва маърифий йўналишда ёшлар учун қизиқарли семинарлар, танқиди фан арбоблари билан турли мавзуларда учрашувлар ташкил қилинмоқда, ёшларнинг касбий малакасини ошириш бўйича қўллаб-қувватлаш тадбирлар амалга ошириляпти.

Касбий малакасини ошириш мақсадида 25 та ёш ходимга олий ўқув юртида ўқиш учун шартнома бўйича тўловлар ўтказиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиш академиясида унча ходим, Олий бизнес мактабида битта ходим, Банк-молия академиясида олтинчи ходим ўқимокда. Яна 5 та ёш мутахассис Банклар уюшмаси йўлнамаси билан Сингапур давлатида 3 ойлик ўқув курсларида таҳсил олди, 4 киши Австрия, Украина ва Ҳиндистоннинг етакчи молиявий муассасаларида тажриба алмашиб қайтди.

Бундан ташқари, молиявий муассасамиз ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор тадбирлар учун ҳомийлик маблағлари ҳам ажратиб келмоқда.

Иномном АБДИЕВ суҳбатлашди. ®



"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида бугунги кунда жами 47 та янги кўп қаватли уйларнинг қурилиши давом этмоқда. Бунинг учун 41,2 миллиард сўм миқдорда кредит ресурслари ажратилган. Демак, банк буюртмасига асосан тикланаётган ушбу уйларга юртимизда яна 1541 та ёш оила ўз хонадонларига эга бўлишди.

вестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштириш борасида қандай ишлар қилинапти?

— Ўринли савол. Банкимизда хизмат кўрсатиш савиясини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Фаолият қўламини экингайтириш мақсадида 5 та янги минг банк очилди. Халқаро пул ўтказмалари шохобчалари - "Ба-

билан 3 миллион АКШ доллари (бошланғич этапи 1,5 миллион АКШ доллари) миқдордаги "Лизинг ва тўлов мuddатини узайтирадиган шаклда сотиш" глобал молиялаштириш линияси битими" имзоланган эди. Банк томонидан паркет ишлаб чиқариш, автомобильларга газ қуйиш шохобчасини ташкил қилиш, полиэтилен пленка, пластик қувур ҳамда фитинг тайёр-

десам янглишмайман. Яқинда Навоий шаҳрида битта 48 хонадонли, Наманганда иккита 32 хонадонли уйлар фойдаланишга топширилди. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ёш оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида бугунги кунда жами 47 та янги кўп қаватли уйларнинг қурилиши молиялаштирилмоқда. Бунинг учун 41,2 миллиард сўм

МАЪНАВИЯТ

ЁДНОМА

Амалда ўрناق эдингиз

Айни шу кунларда қалбимни чулғатган ҳиссиётлару хаёлимдан кечаётган туйғуларнинг чек-чегараси йўқ. Бу — аввало, мен тугилиб, воёга етган шаҳарнинг нақадар ораста, гузал ва бетакорлиги, унга бўлган меҳримнинг беқийселиги билан боғлиқ бўлса, кейин дадажонимнинг ушбу шаҳарга тамал тоши қўйилган илк дамдан бошлаб, қариб унинг бугунги даражасига етгунга қадар 40 йилдан ортиқ меҳнатлари сингганлигидандир.

Дадажон, бугун сизнинг ҳаёт йўлингизни кўз ўнгимдан ўтказар эканман, ширинингиз «Фақат ҳалол меҳнат» бўлганлигига амин бўлман.

Едимда... 1988 йилги қаҳратон қиш ҳамани уйга «қамаб» қўйган дамлар эди. Ака-укаларим ёш бўлганликлари боис, тонг сахарда бизни уйғотиб юборишдан чўчиб, секингина ташқаридан ўтин олиб кириб, биз етган уйнинг пеканисини ў олидариб берди. Қишнинг қаҳратонлигиндан анчайин совиб қолган уйни сиз олов билан илтирдирдингиз. Сўнг туни билан укаларимга қараб, ухламасдан чиққан оқажонимни баъзан уйғотишга кўзимга қиймасдан бир ўзингиз чой ичишга тушардингиз. Нонхўшани шоша-пишша қилганча йўлга отлардингиз. Ахир, транспорт қатнайдиган йўлга чиқиб унун ҳам 20-30 дақиқа йўл босишингиз лозим эди-да.

Ишдан келиб, яна рўзгор ишларига ун-наб кетардингиз. Аммо бирор марта бизни қойиб ёки уришмагансиз. «Нега у иш қилинмади, нега бу иш ҳалигача бажарилмади», демасдингиз. Ақсинча ўзингизнинг меҳнатсеварлигингиз билан доимо бизга ўрناق эдингиз.

Хужжатларингизга кўз югуртириб, фақат битта қорхона — Навоий курилмиш бошқармасида темир-бетон плита тайёрловчи (арматурачи) сифатида 1958 йилдан 1998 йилгача меҳнат қилганлигингиз ва бир неча орденов-медалларга, раббат-лантларига сазовор бўлганлигингиз ҳақидаги ёзувларни ўқир эканман, беихтиёр болаликдаги бир сўхбат ёдимга тушади.

...Бир кун укаларимнинг нафақа пулларини олиш баҳонасида ишонангизга бориб, сизнинг машаққатли меҳнатларингизни ўз кўзларин билан кўриб келган онам бизларга шундай дегандилар:

— Кеча дадаларингизнинг иш жойларига бориб, уларнинг ташқарига, қаттиқ совуқда меҳнат қилаётганликларини кўриб, у кишига ачиниб кетдим. Бирок уларни бошқа ишга ўтишга кўндиролмадим.

«Кўп болали бўлсак... бошқа жойга ўтсам, маоши камлик қилиб, фарзандларимиз қийналиб қолишди-ку», деб унамадилар. Энди сизлардан талабим, дадаларингиз ишдан келгунга қадар, барча уй юмушларини бажариб, у кишига иш қолдирманглар. Мен биламан, дадангиз жудам чарчаб келадилар, — дея кўзларига ёш олгандилар...

Шу-шу онагинимнинг бу гаплари қулоғимизга қаттиқ қуйилди. Бирок биз уйда иш қолдирмасликка ҳаракат қилганлигимиз билан улар ўзларига юмуш топиб олаверар эдилар.

Даданинг ишончаларида ҳам барчага ўрناق бўлиб меҳнат қилишларини эса фақат байрамлардагина кўксиларини тўлдириб тақиладиган орденов-медалларидан, қурилиш бошқармаси биноси олдида ҳар ўтганда биз фарзандлар қалбимиз фахру ифтихорга тўлдирадиган «Хурмат тахтаси» деган суратларидан ҳам бўлса бўлар эди.

Навоий шаҳри илк бор ташкил этилганда буён бу ерда қад рўстлаган юзлаб уйларнинг темир-бетон плиталарини тайёрлашда падали буржуморимизнинг қанчалар хизмати борлигини, уларнинг нақадар иродали ва сабр-тоқатли бўлганликларини биз фарзандларини ҳам сабр-тоқатли ва қаноатли бўлишга ўндаб турди.

Дадан — Хайрулла Исоқов биз 10 нафар фарзандлар учун ҳаммиша ўз ишлари билан ўрناق бўлиб, кўпчиликка фақат ҳалол меҳнат орқали яшай олиш, қатор-қатор тўйлар қилиш ва уйлар қуриш мисоллигини исботлаб берганликларидан қалбим фахру ифтихорга тўлади.

Дадажон, бугун сизнинг нақадар олажа-ноблигингизни таърифламоқчи бўлидим, бирок қаламим охилик қилди. Қанчалар ҳалол ва беозор ҳаёт кечирганлигингизни ифodalомоқчи бўлидим, бирок муносиби сўзлар топа олмадим. 75 йил умр кечириб, бирор марта ҳам ўзганинг ҳақиқа хўнабат қилмай, ёмонлик соғинами умргузаронлик қилганлигингизни баён этмоқчи бўлидим, аммо сизнинг қиёфанингизни тўла очиб бера олмаганлигимдан ўзимдан хижолатман...

Аммо мен истиқлол шарофати билан қундан-кун қириқ оғиб, гузал ва обод бўлиб бораётган шаҳримизнинг беқийс гузаллигига махлиб бўлиб унинг қуркам биноларига боққанимда сизнинг қамтарингиз билан жилмайиб турган нури чиз-рангини кўргандек бўлавераман. Ха, сизнинг сиймонгиз ўзингиз бунёд этишга ҳисса қўшган иморатларда, биз — фарзандлар ва дўстларингиз юрагидан мангу яшайди.

Дилбар РАЗЗОКОВА

ТАДБИР

Матбуотимиз равнақи йўлида

Мустақиллик шарофати туфайли сўз эркинлиги улуг қадриятга айлиб бормоқда. Бунга мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, уларни демократлаштириш ва аркиллаштириш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар қўла-мада ҳам қилиш мумкин.

Яқинда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Ешлар йили»га бағишланадиган «Устоз ва шогирд» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этидилар.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов очар экан, бугунги кун журналистлари олдига турган масъулиятли вазифалар, ижтимоий ҳаётдаги буюқ ўзгаришларни ҳалқимизга ҳолис етказиш учун журналист биринчи қалда жасур, фидойи, ҳоҳиржавоб ва ўзи ёритаётган мавзу бўйича иختисослашган бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Таниқли журналистлар Мақсуд Қориев, Аҳмаджон Мелибоев, Сафар Остонов, Сайди Умиров ва бошқа устоз журналистлар ўз чиқишларида узоқ йиллар давомида ортирган тажрибалари, журналистиканинг ўзига хос жанрлари ва соҳанинг сирлари тўғрисида ёш журналистлар билан ўқир алмашдилар.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими, профессор Назира Абдуазизованинг «Мустақил Ўзбекистон журналистаси тарихи» ва «Тафаккур шаҳараси» китоблари тақдиротида уланди.

Ушбу китоблар ўзбек матбуотини мустақиллик йилларида тубдан ўзгарганини, миллий асосда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва илмий-амалий муаммоларни чуқур таҳлил қилганлиги билан тадбир иштирокчиларининг диққатига сазовор бўлди. Ўзбекистон журналистикаси тарихининг тадқиқоти асосида чиқарилган илмий-назарий ҳулосалар матбуотимизни ривожлантиришга алоҳида аҳамиятга эга экани, бу асарлар қўламақ шунун муҳим қўламага бўлиб хизмат қилиши борасидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Адиба УМИРОВА, «Hurriyat» мухбири.

ТАКЛИФ

Самарқанд — туризм шахри

у ерда пиёдалар учун йўлакча қурилса...

Самарқанд шаҳри билан бутун мамлакатимиз ҳалқи фахрланди. Сабаби Римнинг тенгдоши бўлган бу азам ва қадимий шаҳар қўлдандан-қўл тарихий ва маданий обидаларга бой. Лекин айрим тарихий обидалар шаҳарнинг атрофида жойлашган. Хусусан, Самарқанд туманида Хожя Ахрори Вали масжиди ва мадрасаси, Хожя Абду Берун макбараси ва қўлаб масжидлар, қадимжолар мавзуд. Ушбу ёдгорликлар шаҳардан унча узоқ бўлмагани учун шаҳарнинг ўшадаги тарихий ёдгорликлари билан ягона тарихий ва маданий ҳудудни ташкил қилди.

Аммо айрим бебаҳо, қадимий обидалар асосий тарихий ёдгорликлардан чеккароқда жойлашган. Масалан, Оқдарё туманининг Дахбед қўрғонидаги ислом оламида Маҳдуми Ўззам номи билан маълум бўлган машҳур олим ва Нахшбандия тариқатининг буюқ назариятчиси Сайид Аҳмад Хожяги ибн Сайид Жалолиддин Косоний Дахбедий (1483-1542) қабрлари жойлашган жойда қурилган масжид ва макбара, Самарқанд шаҳридан 22 километр олдига — Пайриқў туманининг эски Хартанг қишлоғида (ҳозирда бу қишлоқ Хўжа Исмоил деб аталади) ҳадис илмининг сўлтони, буюқ бобоқалонимиз Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий қабрлари ва ёдгорликлар мажмуаси ҳам шулар жумласига кирди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу масканларнинг обод этилиши баробарида уларга элтувчи йўллар ҳам замон талаблари даражасига келтирилди. Лекин халқаро туризм тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хўжа Исмоил қишлоғидан Дахбеддаги Маҳдуми Ўззам мажмуасигача ва у ердан Самарқанд шаҳригача пиёда зияратчилар учун «пиёдалар йўлига» қурилса.

Ушбу йўл паст-баланд ҳамда илон изи қўринишида бўлса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, унга экзотик тус берилса сайёҳларда аjoyиб таассурот қолдиради. Бунинг учун, аввало, Зарафшон дарёси irmoқлари бўлган Оқдарё ва Қорадарё, шунингдек, қатта-кичик каналлар устида ўрта аср йўл қурилишига хос услубда кўприклар қуриш мумкин. Бунга За-

рафшон дарёсидаги эски кўприк қолдиқлари (Чўпонота тоғи этагиди) ва Қаршида тўлалигича сакланиб қолган Бухоро амираи қурдиган кўприклар намуна бўлади.

Йўл бўйлаб эса тегиримон, обжувоз, чархпалаклар, боғлар, шунингдек, кичик қарвонасаройлар ва бошқа ўрта аср қишлоқ манзарасига хос объектлар бунёд этилса, айни муддао бўларди.


Йўлда сайёҳларнинг дам олиб, овқатланишлари учун атрофида терак ва қайрағочлар экилган ҳовузалар, новвойиона, турли тамадийхоналар ва албатта, чойхоналар қурилса яна ҳам яхши бўларди. Албатта, булар ҳам ўрта аср меъморчилигига хос бўлиши керак.

Хўш, бу йўл Самарқанд учун қандай аҳамият касб этади деган табиий савол туғилиши мумкин. Биринчидан Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги ёдгорликлар ягона тарихий ҳудудга

бирлашади. Иккинчидан шаҳар атрофи экологияси яхшиланади. Кейин экологик тоза мев ва сабзавотлар етиштирилади ва ёш авлодининг эътиқод, бурч ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбияланишига ҳамда соғлом ўсишига янада ёрдам беради. Тагин бу йўл атрофида Наврўз, қовун сайли, кўприк, тўйлар, кураш каби байрам ва тадбирларни ўтказиш мумкин.

Энг муҳими, бу орқали Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида туризм қатнови хозиргиданда ривожланади, вилоят бюджетига қатта маблағ келиб тушади ва аҳоли қўшимча иш билан таъминланади. Қолаверса, бу юмй барча учун аjoyиб дам олиш ва соғломлаштириш масканига айланади.

РУСТАМ ВАФОВ



Яқинда таниқли тележурналист ва адабиётшунос Ўрол ЎТАЕВ «Хотирам дафтаридаги ёзувлар» номли китобини ёзиб тугатди. Хотира-эссе жанрида битилган унинг битикларда унинг телевидениедаги 35 йиллик қизғин фаолияти ёритилган. Эътиборингизга ана шу китобдан ўрин олган айрим лавҳаларни ҳавола этдик.

Иккинчи курсда ўқиётганимда Очил Тоғаев, Сайди Умиров, Анқобой Қулжонов каби устозлар назарига тушдим. Шу йили «Тошкент оқшом» газетасида «26-отилмасин», «Ёзувчининг эстетик принциплари» мақолаларим чоп этилганди. Учинчи курсга ўтгач, Анқобой Қулжоновнинг тавсияси билан «Матёқуб Қўшожоновнинг танқидчилик маҳорати» мавзусида дастлаб курс, сўнгра диплом ишини ёзишга киришдим. Амалийоти «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ўтказдим. Унда чоп этилган «Масъулият ҳисси», «Изчил мантэк, етарли асос бўлсин» номли танқидий руҳдаги тақриз ва мақолаларим шов-шувларга сабаб бўлди. Матёқуб Қўшожоновнинг «Ижод сабоқлари» китобига бағишланган тақризим атоқли олимнинг

кишига, хужжатларингизга қўшиб, республика матбуотида босилган барча мақолаларингизни битта альбомга жойлаб келинг. Раис ўринбосари Зокир Йўлдошев бу соҳадан бироз йироқ бўлса-да, мард, танти одам. У кишига сизнинг альбомингизни кўрсатасан аризангизга дарров қўл қўяди.

«Танқид ва услуб» китобим босилиб чиққан кезлар. Унга кетма-кет 4 та ижобий тақриз эълон қилинди. Минимумларни тошйирди, диссертация ички муҳокамасидан ўтгач, гўё учиб юрган онларимда, бир оғайнингнинг номзодлик ҳимоясига бордим. Ҳимоя олдида икки-та фан докторига учрашганимда улардан бири гап бошлади:

— Китобингиз ўқиди, — деди мени қўли билан имо қилиб ёнига чорлагач. Баҳоси бир тийинга қим-

шундай сўзлар битилганди: «Эътиборингизга ҳавола этилаётган замонавий бахши-шоирларнинг етакчиси, марҳум Қодир Раҳим ўғли ижодига бағишланган маъзур илмий ва ҳолис тадқиқот ҳам сизларни бекфарқ қолдирмайди, деган умиддаман».

Шу тариқа «Адабиётимиз жонқуяри» ижодий портретдан ташқари 15 дан ортиқ тақриз ва мақолалар ёзиб, матбуотда чоп эттирдим. У киши ҳам менинг ижодимга бекфарқ қарамади. Китобларим юзасидан 4 та мақола чоп этди. Домлини хотирлаш баҳонасида унинг ўзига хос маҳорати ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Адабий тур ва жанрлар кўп. Шу боис адабиёт ўз майдонига кириб келган ҳар бир ёзувчининг ижодини ҳолис таҳлил қилиб берадиган, ҳар бир асарга зуқулқил ва жонқу-

ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИДАН

ижтимоий муҳит, шароит билан чамбарчас боғлиқ ҳолда текшириш нуқтай назаридан ўзбек адабиётшунослигига янглик бўлди.

Бу тадқиқотнинг ойбекшуносликка қўшадиган кашфларидан яна бири шундаки, муаллиф ёзувчилик санъатининг энг асосий ва муҳим томони бўлган характер яратиш маҳоратини текширишни танлаган ва бу мураккаб масалани тўғри ҳал қилган. У Ойбек асарларидаги ха-



рактерларнинг шаклланиши диалектик билиқда юз беришини, бу ҳол ёзувчи маҳоратининг ўзига хос томонларидан бири эканлигини конкрет мисоллар билан кўрсатишга аришти.

Шу боис, «Ойбек маҳорати»нинг яратилиши ойбекшуносликни янада юқори босқичга олиб чиқди, деб бемалол айтса бўлади. Демак, М.Қўшожонов бу асар билан адабий ҳодисага фақат назарий олим қўли билангина эмас, балки санъаткор бўлиб келган, илмий тафаккурни бадиий тафаккур билан диалектик алоқада олиб бориш намунасини яратди.

Улкан ёзувчи «А. Қодирийнинг тасвирлаш санъатини биринчи марта илмий муаммаларга олиб кирганлардан бири ҳам Матёқуб Қўшожоновдир. Олимнинг қодирийшуносликка қўшган хизматларидан яна бири А. Қодирийнинг нафақат ўзбек, балки Ўрта Осиё романчилигининг асосчиси эканлигини маҳорат билан исбот қилишдир.

Олимнинг ўзига хос таҳлил қилиш санъати А. Қаҳҳор ижодига бағишланган тадқиқотларида янада бўртиб кўринади. Ёзувчи ижодини таҳлил этишда асосий диққат-эътиборини асосан бир нуқтага — Абдулла Қаҳҳор асарларида ёзувчининг ижодий принциплари нима-лардан иборат эканлигини кўрсатиш ва шу асосда унинг ўзига хос услубини очиб беришга аришган.

Олимнинг Саид Аҳмад, Шўҳрат, Пиримқул Қодиров, Тўлибеган Қампбергана, Ҳамид Фулом, Шўқур Холмирзаев, Уктамо Усмонов, Ўлмас Умарбеков, Уткир Хошимов, Эркин Самандар, Омон Мухтор, Тоғай Мурод ва бошқа адабларимизнинг ёзувчилик маҳорати, ижодининг ўзига хос қирраларини очишга бағишланган адабий портретлари ҳам нозик кузатишларга бойлиги, таҳлилнинг пухталиги билан ўқувчи эътиборини ўзига жалб этади.

М.Қўшожонов китобларини қўздан кечирар экансиз, яна бир ўзига хослик — образларнинг адабиётшунослиги йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келасиз. Тадқиқотчи «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кўтулғу қон», «Навоий», «Сароб», «Синчалак», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Машъал», «Диёнат», «Жалолиддин Манғуберди», «Гирдоб», «Сўнги бекат», «Қиёфа», «Баҳор қайтмайди», «Отамдан қолган далалар» асарларидаги характерларни худди шу усулда асар қаҳрамонларини бўлақларга бўлиб ташлаб текшириб, адабиётшунослик йўли билан қайта адабий-бадиий руҳда таҳлил эта олди.

Ўрол ЎТАЕВ

ТАФАККУР

Ҳақиқий асарнинг баҳоси

Қандай асар ҳақиқий асар деб аталади? Унинг ҳам асардан фарқи нимада? Ёш китобхоналар бунга қандай билиши мумкин?

Одатда шундай ва шу каби саволларга адабиётшунос ёки танқидчилардан жавоб кутамиз. Лекин биз — қатта ёндаги китобхоналар ҳам бундай саволларга бекфарқлик билан қарамаслигимиз керак. Аввало, ўзимиз янги чиққан китобларни кўпроқ ўқишимиз зарур.

Аммо мажбурият ва буйруқ орқали ҳеч қилиш, жумладан ёшларнинг ҳам китобхона қилиб бўлмади. Асосли тавсия — мақолаларга амал қилган ёшларнинг кўпчилигини ҳақиқий китобларнинг ҳақиқий ўқувчиларига айланишларига ҳеч шубҳа йўқ.

Хуллас, ёш ўқувчилар ҳақиқий китобни «ҳом китоб»дан фарқини аниқлаб етсалар бўлди. Шунда бундай «китоб»ларнинг бозори қасодада учради, дегаярнинг.

Фандаги муайян илмий муаммони тадқиқ этишга киришадан олдин уни ечини йўллари ҳақида аниқ фикрга эга бўлиш талаб этилади. Чунки мўжамал фикрлар муаммонинг равои йўлларини таллашга монелик қилади. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Уни тадқиқотчилар яхши билади. Бундай фазилат истеъдодли олимларгагина nasib этган. Америкалик адиб Мизеннинг «Мен жуда қатта билим ээси бўламан, аммо ўзининг бирор мустақил фикрига эга бўлмаган кўпгина олимларни билардим», деган ҳулосаси ҳам фикримизнинг далилидир. Шундай экан, орамиздаги мустақил фикрли истеъдодларни авайлашимиз, уларнинг сафини кенгайтиришимиз барча қараоларини журчиштириш керак. Зеро, француз файласуфи Дидро «Истеъдодлар — оқсўнқлик эмаски, улар авлоддан авлодга ўтсалар», деган эди.

Устозинг бурчи ниҳоятда масъулиятли. Аввало, ёш олимларга ёрдам кўрсатиши, уларни қўлаб-қувватлаши, шогирдларининг сочилиб етган мунчоқ ёндашларига ўқиниб тарқоқ фикрларини сабр ила эшитиши ва яхлит шода шаклга келтириши, ёшларга беминнат-бегараз меҳрибонлик кўрсатиши.

Яхши ўқув даражларида чинакам илм истеъдод талабалар устозларига иштихон топшириши йўлларини эмас, балки улардан кўпроқ билим олиши йўлларини қидирадилар.

Истеъдодли ижодкорга олтин қалам ва фин қотоз шарт эмас — оддий дафтар билан қалам бўлса бас.

Турли хил илмий муқофотлар соҳиби бўлган устоздан эшитганим: «Ёзувчи учун энг қатта, чинакам муқофот бу — унинг ҳар бир мақоласи, ҳар бир китоби қўла-қўл бўлиб ўқилишидир».

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ, техника фаълари доктори.

Юракка яқин қўшиқлар кўпми?

Кўшиқ кўнгилларни яйратувчи, унга эзгулик нурларини сочувчи сеҳрдир. Хатто муқаддас китобимиз Қуръони каримда ҳам инсон вужудига жон сурнай навоси билан кирганлиги айтиб ўтилган. Чиндан-да, куй-қўшиқ киши ҳаёлотини бепойён кенгликлар сари бошламоққа, юрагига ажиб жўшқинликлар бахш этмоққа қодир. Халқимизда фарзанд бешиқлигидаёқ бу санъатдан баҳраманд бўлади, яъни алла таъсирида бола она меҳрини ҳис қилади, руҳияти ором олади. Умуман, кўшиқнинг инсоннинг маънавий оламига бўлган таъсири катталиги шубҳасиз. Айниқса, ёш авлод тарбиясида улар эшитатган ашулалар алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши масъул котиби Йўлдош НОРБҮТАЕВ билан миллий эстрада кўшиқчилигининг бугунги ҳолати, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар хусусида суҳбатлашдик.

— Аввало, сиз фаолият юритаётган кенгаш фаолияти ҳақида баъзилар билмади.

— Маънавияти юксак халқимиз. Бирор бир кўшимчи бўлмаганда, ҳақиқий санъатни биздек қадрладиган, бизчалик теран ҳис қиладиган миллат дунёда кам. Ҳар бир воқеа, ҳар бир ҳудудимизнинг кўшиқчилиги санъатига эзига хос йўли бор. Кенгашнинг асосий вазифаси ўзбек кўшиқчилигини доимий таҳлил қилиб бориш, уни янада ривожлантириш, ёш санъаткорларнинг ўз истеъдод ва маҳоратини тўла намойён этиши учун кўп шарт-шароит ва зарур имкониятлар яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мазмунан теран, бадиий юксак асарларни кенг тарғиб қилиш, миллий кадрларимизга тўғри келмайдиган, ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бўш ва заиф асарлар тарқалишининг олдини олиш ҳисобланади.

— Кенгаш ўз вазифасини қай даражада ундаётган?

— Аввало, Президентимизнинг 2007 йил 13 июндаги қарори асосида кенгаш ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш учун янги таркибда иш бошлади. Қарор ижроси юзасидан Миллий эстрада кенгаши фаолиятини янада кўнгилга олиш қилишини лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Миллий эстрада санъатининг бугунги аҳоли таҳлил этилди, ютуқлар, камчиликлар муаммолар ўрганилди, соҳада дилдор вазирилк ва идоралар, телерадиокорпорацияларнинг кенгаш қарорлари ижроси бўйича масъулиятлари янада ошди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши Низомига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Маънавият ва маърифат кенгаши, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмасининг минтақавий бўлиmlари билан ҳамкорликда жойларда фаолият кўрсатаётган маҳалла эстрада хонандлари, бастакор-

лар, режиссёрлар, шoirлар, бадиий сўз усталари, мухикашунослар, журналистлар ҳамда маънавият ва маърифат соҳаси учун масъул ташкилотлар ва муассасалар вакиллари билан Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ҳамда мувофиқлаштириш кенгашининг минтақавий бўлиmlари тузилди. Шу билан бирга танкити эстрада хонандлари репертуарларини бойитиш, тартибга солиш ва тарғиб қилиш, мамлакат миқёсидаги муҳим оммавий тадбирларга маънавий юксак даражадаги мухикашунос асарларини таъсия қилиш мақсадида эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси қoшида "Эстрада кўшиқлар фонотекаси" ташкил этилиб, ҳозиргача 220 дан ортиқ хонанданинг 5300 дан зиёд асари тўпланди. Бу эса ўз навбатида энг гўзал кўшиқларимизнинг қолажақ авлод учун маънавий мерос бўлиб қолишига кўмак беради.

— Юртимиз хонандларига махсус рухсатнома (лицензия) берувчи ижодий гуруҳда элимиз суйган танкити ижодкорлар, қолаверса сўз қадри, мусика маданияти ва ижро услубларини яхши биладиган кишилар фаолият юритаётганлиги хабардоримиз. Айнан улар фаолиятини янада кўнгилга олиш, бадиий юксак кўшиқларни рағбатлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Кўпчилик гоҳида "Шундай нуфузли кишилардан таркиб топган Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи нахотки хали ҳақиқий эстрада санъати нима эканлигини англаб етмаган, бир-икки энгил-егини ашуласи билан экранларни "забт" этган хонандларга ҳам рухсатнома бераверишса?.. Узи қаёққа қараясизлар?" деган саволларни беришди. Афсуски, аксарият ҳолларда шундай хонандлар рухсатномасиз фаолият юритишмоқда ёки яхши ашулалардан иборат репертуар билан лицензия олишади-да, сўнгра "ай-

ний" бошлашади. Айрим радио ва телеканалларда бадиий кенгашларнинг беш-этиборлиги туфайли бундай ашулалар эфирга чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам, аввало, кенгаш билан телерадиоканаллар ҳамкорлигини мустақамламоқдамиз. Яқинда миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши қoшида Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳининг янги таркиби тасдиқланди. Лицензия олувчи санъаткорлар билан тузиладиган шартномаларга томонлар маъбуриятини қўнайтуручи бандлар қўшилди.

Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи томонидан 150 дан ортиқ хонанда ва эстрада жамоасининг профессионал маҳорати етарли эмаслиги, кўшиқлари ижроси, матни, мусикаси ёш ва заиф бўлганлиги боис уларга махсус рухсатнома (лицензия) бериш рад этилди. Барча телерадиокорпорациялар қoшида Бадиий кенгашлар фаолияти кўнгилга олинди. Лицензия олувчи санъаткорлар билан тузиладиган шартномаларга томонлар маъбуриятини қўнайтуручи бандлар қўшилди.

Бадиий кенгашлар фаолиятининг нисбатан жонланганлигини эътироф этиш керак. Биргина мустақил телерадиоканаллар Бадиий кенгашларнинг 109 та йигилишида 600 дан зиёд кўшиқ ва уларга ишланган клиплар таҳлил қилиниб, 250 та кўшиқ матни савзелиги ва уларга ишланган клиплар сюжетига ўринсиз тасвирлар мавжудлиги, лицензияси йўқлиги туфайли эфирга узатилмади.

Аммо кенгаш ўз олдида қўйган вазифаларни тўлиқ бажармоқда, дейиш фикридан йироқлик. Яқинда ўтказилган мониторинг натижалари кенгаш фаолиятини янада кўнгилга олиш имконини яққол кўрсатиб берди. Хали ҳам гоҳида "Ўзбекистон" эстрада бирлашмасининг гастрол-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияси бўлмаган санъаткорларнинг ҳам кўшиқларини телевидение ва радио эфирларида узатиш ҳолатлари учраб турибди.

— Ёш болалар учун идеал шахс қўлини Машхур санъаткорлар бўлади. Лекин ҳофиз ёки хофиза-

ларимиз бу масъулиятни қай даражада ҳис қилишяпти? Концерт дастурлари давомига баъзи санъаткорларнинг ўзини саҳна маданияти ҳақида умуман тушунчага эга бўлмаган кишида тутиши кўпчилиқнинг гашига тегади.

— Ҳақиқатдан ҳам миллат келажак бўлган фарзандларимизнинг тарбиясида улар севиб тингладиган кўшиқ, хонанданинг таъсири катта бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ижрочиларнинг яққон концерт дастурлари сифатини ошириш, мусикий асарларни таҳлил қилиш, саҳна маданияти, кўшиқлар матни, мусиканинг миллийлиги, бадиий юксак асарларни тарғиб қилишни йўлга қўйиш мақсадида "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси қoшида шу соҳанинг билим-донини бўлган мутахассислардан иборат эксперт гуруҳи ташкил этилди.

Бу гуруҳ бастакорлар, шoirлар, мухикашунослар иштирокида катта саройларимизда ўтказилаётган концерт дастурларини доимий таҳлил қилиб бормоқда. Хонандаларга концертларни юксак даражада ташкил этиш бўйича таклиф ва таъсиялар бормоқда. Энг муҳими концерт бераётган хонандаларимиз бу таъсияларни ижобий қабул қилаяпти. Шу боис асосий эътиборни санъаткорнинг томошабин олдидаги бурчи ва масъулияти, саҳнада ўзини тутиши, либослари, кўшиқлар матни, мазмунини, мусикаси, концерт режиссураси, рақсларнинг кўшиқ характерига мослиги, саҳна безаги, декорациялар, ижрочилик савияси ҳамда концерт дастурининг белги-ланган вақтда бошланиши ва тугатилишига эътибор қаратишмоқда.

Аммо шунга қарамастан, баъзи концерт дастурларида режиссураининг профессионалидан йироқлиги, баъзи кўшиқларнинг мазмунан савзелиги, бошловчи ва қўшиқчиларнинг бақнача сузлари, ҳаракатлари, рақосаларнинг ибосиз ҳаракатлари, концертнинг кеч бошланиши ва ўзқоқ давом этиши, айрим хонандаларнинг фонограммалардан тўғри фойдалана олмасликлари билан боғлиқ ҳолатлар томошабинларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

— Халқимизнинг миллий куй-қўшиқлари бетакорр жилоси билан дунё элларини ҳайратга солиб келади. Лекин шу билан бирга хонан-



даларимиз ўртасида бировларнинг мусикасида кўр-кўрона фойдаланиш, кўппроқ айтсақ, чет эллик ҳамкасблари ижодини "ўғирлаш" ҳолатлари учраб турибди. Бунинг олдини олиш борасида кенгаш томонидан қандай ижобий ишлар қилинмоқда?

— Аввало, ҳеч бир халқ, миллат ўз миллий санъати доирасидагина ривожланмайди. Дунёдаги турфа маданиятлар, санъатлар бир-бирдан баҳра олади, бир-бирини бойитишади, бир-бири фойдага таъсир қилади. Лекин бу бошқа бир халққа мансуб кўшиқ куйига ўзбекча сўз қўйиб айтaverиш дегани эмаски, Коллаверса, шундай бой мусикий меросга эганимиз, эстрада санъати борасида ҳам шаклланган, жаҳон тан олган мактабларимиз бор. Халқимиз мусика жаҳонда қанчадан қанча биз эшитиб тўймайдиган ашулалар бор. Нима учун бундай кўшиқлар эскирмайди? Сабаби уларда миллий руҳ устувор, уларнинг сўзи ҳам, мусикаси ҳам, ижроси ҳам юракка яқин. Улардан қилб маънавий озуқа олади. Юрагидан миллий ифтихор, миллий гурур бор бўлган санъаткор ҳеч қачон энгил-елпи йўлдан юрмайди. Жаҳон халқлари санъатдан баҳрамандлик бошқа, кўчирмачилик бошқа...

Ситора ТОҲИДДИНОВА суҳбатлашди.

ЕШЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

Авал хабар берганимиздек, айни кунларда Ўзбекистон ёшлар (19 ёшгача) терма жамоаси Саудия Арабистонида ўтказилаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида иштирок этмоқда. Ҳамюртларимиз ўтган шанба кuni гуруҳдаги дастлабки учрашувини Иордания ёшлар терма жамоасига қарши ўтказиб, илк ғалабани қўлга киритди. Учрашувга қисқача тўхталадиган бўлсак, 5-дақиқадаёқ вакилларимиздан Даврон Мирзаев пенальтидан ҳисобни очиб, жамоадорларини олдинга олиб чиқди. Кескин курашларга бой бўлган ушбу учрашувда рақибларимиз ҳам хавфли ҳужумлар юштириб туришди, албатта. Фақат уларга қол уриш етишмади, холос.

Терма жамоамиз бош муррабийи Аҳмад Убайдуллаев уйиндан сўнг матбуот анжуманида иштирок этар экан, у шогирдларининг ғалабасидан маънун эканлигини яшириб ўтирмади. Иорданияликларнинг муррабийиси эса ҳакамларнинг қароридан норози эканлигини маълум қилди.

Юртдошларимиз гуруҳдаги иккинчи учрашувда 3 ноябрь кuni Австралия ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Шундай қилиб, икки учрашувдан кейин Ўзбекистон терма жамоаси тўрт очко билан чорак финалга чиқишга асосий номзод бўлиб турибди.

ВАЛУЕВНИНГ НАВБАТДАГИ РАКИБИ



Жаҳонда ўта оғир вазнда бокс бўйича WBA йўналишининг чемпиони ҳисобланган Николай Валувениннинг менежери Борис Дмитриев боксчи навбатдаги жангини жаҳоннинг тўрт каратта чемпиони Эвандер Холифилдга қарши ўтказишини айтди, деб ахборот тарқатди Fightnews.com сайти. Шунингдек, менежер журналистларга берган интервьюсида мушталлашув шу йилнинг 20 декабрида Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтиши ҳақида ҳам баён қилган.

Ситора ТОҲИДДИНОВА суҳбатлашди.

"БУНЁДКОР"НИНГ МАВКЕИ ОШМОҚДА


Халқаро футбол тарихи ва статистикаси Федерацияси (IFFHS) дунё клубларининг янги рейтингини эълон қилди. Ўтган ойги жадалга кўра, Осиё клублари орасида биринчи ўринни эгаллаб турган Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси ўз ўрнини сақлаган ҳолда дунё клублари орасида яна 16 поғона юқорига кўтарилиб, жаҳон клублари орасида 59-ўринни эгаллади.

Клубнинг янада юқори поғонада кўтарилишида Ўзбекистон кубогини финал учрашувда "Пахтакор" жамоаси устидан эришилган ғалаба муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз. Рейтингда "Пахтакор" клуби мавқеи бироз пасайди. У 110 дан 122-ўринга тушишга мажбур бўлди. Дунё рейтингини Испаниянинг "Барселона" клуби бошқариб бормоқда. Иккинчи поғонани эса Англиянинг "Ливерпуль" клуби банд этган.

НАДАЛНИНГ ЖАРОҲАТИ ДАВИДЕНКОГА ЁРДАМ БЕРДИ

Россиялик Николай Давиденко Франция пойтахти Париж шаҳрида шу йил ҳисобидан охири марта ўтказилаётган "Мастерс" теннис турнирининг ярим финал баҳсига йўлланма олди. Таниқли ракетка устаси ҳозирда сайёраимизнинг энг кучли теннисчиси ҳисобланган Рафаэль Надаль мағлуб этиб, бунга муваффақ бўлди. Анкироғи, учрашувнинг биринчи геймиде испаниялик спортчининг қўли банд келди. Бирок бу унинг маъмур мусобақаддаги охириги муваффақияти бўлди. Негаки, биринчи партияд 1:6 ҳисобда имкониятни бой берган Рафаэль Надаль қовурғасидан жароҳат олганлиги боис беллашувини давом эттира олмаслигини маълум қилди. Оқибатда Николай Давиденко ярим финалда мусобакани давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.



Газетанинг навбатдаги сони 19 ноябрь кuni чиқади.

ЯХШИЛИК

Бу сафар рафиқамнинг таклифи билан Тошкентга Китоб тоғлари орқали боришга аҳд қилдик. Туман марказидан чага буришиб, баландга ўрмалаган йўлга чиқиб олдик. Мингчиродан ўтган жойимизда кўтилмаганда машинанинг балони ёришиб кетди. "Запас" балонини алмаштирар эканман, "тишлари" ейилганлигини кўриб, тоғдан ўтувчи бу ҳам ёрилса-я, деган фикр кўнглимдан ўтди. "Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаршталар олин дейди" дееаларидек, кўп юрмай алмаштирилган шина ҳам ёришди. Йўлдан ўтган, қайтсан машиналарга қўл кўтарар боладим. Аксига олиб, машиналар кам ўтар, кўринганлари ҳам тўхтамас эди. Совеж ўтган қизчам ишжиклана бошлади. Яқинлашиб келатган "Нексия"нинг йўлини тўсиб, кўлимни сижита боладим. Машина тезлигини пасайтириб, яқинимизга келиб тўхтади.

— Ҳизмат, — деди рўдаги йиғит кўрсик билан ойнадан бошини чиқариб.

— Ассалому алайкум, укажон. Балон ёришиб қолди. "Запаска" ҳам тешилган, қўшимча балонингиз бўлса, бериб турсангиз. Сизнинг кўмакингизда йўлдаги устонагача етиб олам. Жон ука йўқ деганга, худо хайрини берсин. Ҳизмат ҳақингизни тўлайман.

— Кечирасиз, бизлар шошиб турибмиз, — деб енидаги уриндикда ўтирган аёлга қаради.

— Вақтимиз тизиз. Орқадан биронта эҳтиёжманд келиб қолар, — деди аёқ ҳайда дегандек йиғитга ишора қилиб.

Йиғай бошлаган қизимни тинчитишга ҳаракат қилдим. Шу йўлдан болаган хотинимни койиб боладим. Шу пайт енимиздан гизиллаб ўтиб кетган машина бир оз юриб тўхтади ва бурилиб орқага қайтиб кела бошлади.

— Ҳа, нима бўлди, ошина? — деди рўдаги корейс киши.

— Балон ёрилди. "Запаска" ҳам тешик. Бошим қотиб қолди, — дедим халолат тортиб.

— Ҳозир, — дея машина капотини очиб, қўшимча балонини олиб узатди. — Ма, қўйиб ол. Утиб кетиб қизчанга кўзим тушиб қолди. Кўз олдимда ўзимнинг қизчам гавдаланди. Анча совеж қотанга ўхшайди. 10-15 километрлар нарида чойхона олдига устона бор. Биз чой ичиб турармиз, уша жойига боргач балонларини яматиб олсан, — дея машинасини ўт олдириб, жўнаб кетди.

Мен бироз ҳангу ман бўлиб тургач, балонни қўйиб, ярим соатларча у айтган чойхонага етиб бордин. У бемалол чой ичиб ўтирарди.

Мен ишларимни бажариб бўлиб, балонини унга қайтарар эканман, мине бора раҳмат айтиб, миннатдорчилик бидирдим. Пул узатган эдим, кўлимни қайтариб:

— Ие, қизикмисан, дунёда ҳамма нарса пул билан ўлчанадими? Бировнинг бошига мушук тушганда, ёрдам қўлингизни чўзмасанг, ҳол-аҳвол сўрамасанг, одам бўлиб нима қилдинг. Соғ бўл, йўлинг бехатар бўлсин, — деб кетиб қолди.

— Ие, бугеги қизик бўлди-ку, — дедим хотинимга қараб. — Ҳеч бўлмаса исмини, манзилини ҳам сўраб олмабман.

— Машинасининг номерига қарамадингизми?

— Ҳа-я, тўғри эслатдинг. 21-Х21 бахтли рақам эди, шунини эслаб қолдим. Албатта топиб, дўст тушинаман.

Қайтар дунё

Ширакайф уч оғайни нимқоронғуда "Муъжиза" деб номланувчи чойхонадан чиқибди.

— Машинани йўлингиз у четида қўйганман, — деди Нодир тишлари орасидан "чирт" этиб тугуриб. — Йўл-йўлақай сизларни уй-уйларингизга ташлаб ўтаман.

Улар катта йўлни кесиб, дарактлар орасидан ўтишарканда, ноэронлар аравасидаёқ бир кишини таёғи билан ўтларни пайпаслаётганини кўришди.

— Ие, бу одам нима қилиб, адашиб юрибди, — деди Нодир беписанд.

— Кечирасизлар, жўралар, — деди оғиз киши. — Адашиб қолдим. Маҳаллот кўчаси томон йўлга солиб юборсанлар, илтимос.

— Тава, ўзинг кўр бўлсанг, қоронғуда кўчада боло борми, — деди Нодир гўдағини, — Мана бу томонга юрасиз, — дея текари томонга буриб юборди уни.

— Бекор қилдинг, — деди Жамшид, — ахир, оғиз одам бўлса...

Исмоял ТҲХТАМИШЕВ

Поездда фильм кўриб...

Соат 15:20. "Қарши-Тошкент" йўналишидаги "Насаф" тезюрар поездига чиқдим. Шинамгина салонга кириб, чиптада кўрсатилган жойга ўтирдим. Белгиланган вақтда поезд кўзгалди. Йўл бўйи мириқиб дам олиб кетдик, сабаби салон ичидаги монитorda Ўзбек миллий фильмлари узлуксиз намойиш этиб борибди. Ростки, "Мафтунингман", "Тангалик болалар" фильмларини кўриб болалигимга қайтгандек бўлдим. Ушбу киноасарларнинг муқамаллиги, қахрамонларининг соддадиллиги, самимийлиги кўнглимдаги олдлар ётган соф туйғуларни уйғотиб юборди, болалик хотираларим кўз олдимда гавдаланди...

Ҳайганиб қолдим: пойтахт автобус мониторингидан ҳам хорихий мусикаю клиплар ўрнига Бобомурод Ҳамдамов, Улмас Саиджонов каби севишли хофизларимиз кўшиқлари янграса қандай бўларкин? Ҳарқалай ёшларнинг ўзини, ўзалигини янада яхшироқ англаб етишлари учун туртки бўлармиди? Узларинча замонавийликка, оммавий маданиятга интилаётганлар аслида ўзимиз қанчалки гўзал маданият борлигини ҳис қилишармиди?

Шовқин сурону таъшишларга тўлиб ётган умримизнинг ҳеч бўлмаганда йўлларда ўтаётган лаҳзалари миллий кўшиқлар ёки олтин меросимизга айланган бораётган фильмларимизга ажратилса жуда яхши бўлар эди, назаримда. Зеро, "Ёшлар тарбияси салбийлашмоқда, улар миллийликни унутишяпти", деб қуноманиз қўпична. Энди амалий ишга ўтиш вақти етди, менимча.

Камола АБАЗОВА

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурашул ЖУМАКУЛ

Тахрир хайъати: Хуршид ДҲСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Тахририят юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 233-67-51, 236-53-31, 236-56-38, 236-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57 Фарғонада — 8-373-225-80-58

Самарқандда — 8-366-233-62-12 Хоразмда — 8-362-226-20-80

Сурхондарёда — 8-376-335-10-22 Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

Тошкентда — 8-370-76-21-934 Навоийда — 8-436-223-10-28

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 22.55

® — тижорат белгиси.

Адади: 5010 Буюртма — Г-1054 2 3 4 5 6 7 8